БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 170

5 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-нчи бет).

ХХРнинг беш йиллиги байрамига келган ҳукумат делегациялари шарафига Мао Цзэ-дун ҳузурида зиёфат (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: Биринчи машғулот (2-нчи бет).

У. Мадраҳимов. — Полиграфия саноати ишини янада яхшилашга эришайлик (2-нчи бет).

Ҳабиб Ну'мон. — Фасллар (2-нчи бет).

Пахта тайёрлаш сур'атини тобора ошириб, кунлик ва беш кунлик графикларни бажаришга эришайлик! (3-нчи бет).

Б. Халилов. — Кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка солмоқдалар... (3-нчи бет).

Қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород **қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан халқаро** конвенция (шартнома) тузиш ҳақида. БМТ Бош Ассамблеясининг 30 сентябрьдаги ялпи мажлисида СССР делегати ўртоқ А. Я. Вишинскийнинг нутқи (3 ва 4-нчи бетлар).

Финляндия Коммунистик партиясининг X с'езди (4-нчи бет).

Октябрьолди социалистик мусобақаси

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 37 йиллигини коммунизм қурилиши соҳасида янгидан-янги ғалабалар блан кутиб олиш учун тайёрланмоқдалар. Улуғ байрам шарафига бошланган социалистик мусобақа халқимизнинг сиёсий активлигини, ғайрат ва ташаббусини, ирода бирлигини ҳарқачонгидан ҳам қучайтириб юборди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг миқ'ёсда авж олиб кетган октябрьолди социалистик мусобақаси ишчилар колхозчилар ва интеллигентлар ўртасида жуда катта муваффақият қозонмоқда, уларни янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда, меҳнат унумини оширишнинг янги формаларини вужудга келтирмоқда.

Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган совет кишилари социалистик экономиканн яшнатиш тўғрисида, мамлакатнинг жамоат бойликларини кўпайтириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Улар фидокорона меҳнат қилиб, бутун хўжалигимизни тўхтовсиз тараққий эттирмоқдалар, коммунистик қурилиш сур'атларини тезлаштирмоқдалар. Шу кунларда ҳарбир совет ватанпарвари бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам яхшироқ ва унумлироқ ишлаб, Октябрь байрами шарафига олган социалистик мажбуриятини ошириб бажариш учун ҳаракат қилмоқда.

Бутун совет халқи блан биргаликда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллигига зўр ҳозирлик кўраётган областимиз меҳнаткашлари социалистик мусобақани кучайтириб, байрамга ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқдалар. Байрамолди вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилаётган машинасозлар, металлурглар, темирйўлчилар, кончилар, тўқимачилар, пойафзалчилар ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари октябрьолди социалистик мусобақасида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари октябрьолди социалистик мусобақасига қўшилиб зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш блан меҳнат қилмоқдалар. Завод коллективи ўртасида рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган 8 ойи ичида корхона ходимлари меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга қаратилган 57 та таклиф киритдилар. Шундан 33 таси ишлабчиқаришга жорий қилинди ва бу корхонага 300 минг сўм фойда келтирди. Октябрьолди мусобақасида олдинда бораётган мартен цехининг коллективи 9 ойлик ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари бирнеча юз тонна пўлат берди. Меҳнатнинг тўғри уюштирилиши, мавжуд ишлабчиқариш майдони ва асбоб-ускуналаридан тўла фойдаланиш натижасида 8 ой ичида ўтган йилги шу даврдагига қараганда 8,7 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Завод коллективи йиллик планни муддатидан илгари бажариш, мамлакатга пландан ташқари минглаб тонна пўлат ва прокат етказиб бериш учун курашмоқда.

Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида чинакам умумхалқ ҳаракатига айланган социалистик мусобақа ҳақиқатан ҳам тараққиётимизни ҳаракатга келтирувчи, миллион-миллион меҳнаткашларни коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини бажаришга сафарбар этучи қудратли куч бўлиб қолди. Социалистик мусобақа ҳақидаги ленинчасталинча идеялар меҳнаткашлар оммасини илҳомбахш ғайрат ва ташаббус блан қуроллантирмоқда, бутун совет халқини она-Ватанимизнинг шон-шуҳратини ошириш учун янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифаси—октябрьолди социалистик мусобақасини янада кучайтириб, мусобақа қилучиларнинг сафини тобора кўпайтиришдан, олинган мажбуриятларинг сўзсиз бажарилишини та'минлашдан иборат. Шунга эришиш керакки, Октябрь байрами ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилмаган, байрам кунигача, ўз мажбуриятини бажармаган биронта цех, корхона бригада, колхоз, совхоз, ишчи ва колхозчи қолмасин.

Мусобақанинг муваффақият қозониши оммaнинг ташаббуси ва активлигига, партия, хўжалик ва касаба союз ташкилотларимизнинг меҳнаткашлар оммасига етакчилик қилаолишига, уларни илҳомлантираолишига, оммaнинг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватлайолишига боғлиқдир. Партия ташкилотлари социалистик мусобақага кун сайин амалий раҳбарлик қилишлари, мусобақага раҳбарлик қилишда маҳкамачилик, қоғозбозлик ва бюрократик усулларига қарши кескин кураш олиб боришлари лозим. Социалистик мусобақани кенг ёйиш, иш натижаларини ҳисобга олиш, таққослаб кўриш, новаторларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва ишлабчиқаришга сабот-матонат блан жорий қилиш—мусобақанинг муваффақият қозониши учун энг муҳим шартдир.

Шуни э'тироф қилиш керакки, новаторларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш тўғрисида, мусобақа жараёнида вужудга келадиган янгилик, илғорлик, прогрессивликни кенг ёйиш тўғрисида етарли даражада ғамхўрлик қилмаётган, мусобақага раҳбарлик қилишда канцеляриячилик, бюрократик усулларни қўлланаётган, илғорларнинг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришдан иборат жонли ишни қоғоз ва бухгалтерия ҳисоботларига кўмиб қўяётган раҳбар ходимлар ҳали ҳам бор.

Чирчиқ электрохимия комбинатининг раҳбарлари рационализаторлик ҳаракатини кенгайтириш, новаторларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида жуда кўп шовқин-сурон кўтардилар, йиғилишлар ўтказдилар, узундан-узоқ қарорлар ҳам қабул қилдилар. Лекин бу қарорларнинг, белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги амалга оширилмасдан қоғозда қолиб кетди. Рационализатор ва ихтиро'чиларнинг яқинда бўлиб ўтган слётида слёт қатнашчилари жумладан рацционализаторлардан Сачков, Работкин, Соколовский ва Захарчук ўртоқлар заводда ишчиларнинг қимматли таклифлари бирнеча ойлаб кўрилмай ётганлигини, коллектив ўртасида социалистик мусобақа юзаки уюштирилганлигини, илғорлар тажрибаси оммалаштирилмаётганлигини конкрет мисоллар блан қаттиқ танқид қилдилар.

Мусобақага, илғорларнинг тажрибаларини умумлаштиришга бу каби юзаки қараш ҳолларини қат'иян йўқотиш бюрократларга қарши, оммaнинг ижодий ташаббусини бўғиб, социалистик мусобақанинг ривожланишига халақит берувчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш зарур.

Мусобақани ривожлантиришда касаба союзларининг роли ғоят каттадир. Улар юксак меҳнат унуми учун, янги методларни ишлабчиқаришга жорий қилиш учун курашда оммaнинг чинакам ташкилотчилари бўлишлари лозим.

Областимизда пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган ҳозирги ҳал қилучи кунларда социалистик мусобақанинг бутун кучи ва та'сири йиғим-терим сур'атини тобора кучайтириб, кунлик ва бешкунлик графикларни ошириб бажаришга, давлатга кўпроқ отбор ва биринчи сорт пахта топширишга қаратилиши керак. Бешнинг ва ўнинг килограммни теримчиларнинг социалистик мусобақасига бошчилик қилиш, илғор пахтакор ва механизаторларнинг ташаббусини ҳартарафлама қувватлаш, уларнинг тажрибаларини кенг пропаганда қилиш —қишлоқ партия ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Социалистик мусобақани янада кучайтириш, оммaнинг ижодий активлигини ривожлантириш меҳнат унумини тобора оширишга, коммунистик жамият қурилиши сур'атларини тезлатишга ёрдам беради. Октябрьолди социалистик мусобақасини янада кучайтирайлик. Улуғ Октябрьнинг 37 йиллигини ва республикамизнинг 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олайлик!

Илғорларга кўчма Қизил байроқ берилди

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети пахта териш ва тайёрлаш юзасидан районлар, машинатрактор станциялари, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1954 йил 20 сентябрьдан 30 сентябрьгача бўлган даврда бажарилиш якунларини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Мирзачўл районида** (район партия комитетининг секретари **Ўқубоев**, район ижроия комитетининг раиси **Камолиддинов**, район комсомол комитетининг секретари **Азизов** ўртоқлар) қолдирилди, бу район ўтган 10 кунликда йиллик пахта тайёрлаш планининг 17,7 процента миқдорида пахта топширган.

2. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Мирзачўл районидаги **2-нчи МТСда** (МТС директори **Ткачев**, бош инженери **Назаров**, бош агрономи **Тешабоев**, райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари **Султонов**, МТС партия ташкилотининг секретари **Усмонов**, МТС комсомол ташкилотининг секретари **Пахомов**, ишчилар комитетининг раиси **Зайцев** ўртоқлар)да қолдирилди, бу МТС ўнкунликда машинада пахта териш йиллик топшириғини 15,4 процент миқдорида бажарган.

3. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Малик»** совхозида (совхоз директори **Иброҳимов**, бош агрономи **Ҳамидов**, бош инженери **Мальцев**, партбюро секретари **Шоумаров**, комсомол ташкилотининг секретари **Шмелькова**, ишчилар комитетининг раиси **Волина** ўртоқлар) қолдирилди, бу совхоз ўнкунликда йиллик планнинг 19,8 процента миқдорида пахта топширган.

4. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Гулистон районидаги **Свердлов** номли колхозга (колхоз правлениесининг раиси **Ким**, партия ташкилотининг секретари **Алитоев** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз давлатга пахта топшириш йиллик планини 44,3 процент бажариб, ўтган ўнкунликда йиллик планнинг 26,05 процента миқдорида пахта топширган.

5. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Оржоникидзе районидаги **Куйбишев** қишлоқ советига (қишлоқ советининг раиси ўртоқ **Мавлонова**) берилди, бу қишлоқ советида йиллик пахта тайёрлаш плани 31,1 процент бажарилиб, ўтган ўнкунликда йиллик планнинг 16,1 процента миқдорида пахта топширилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Тошкент область колхозларининг энг яхши теримчиларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлаш тўғрисида

1954 йилги ҳосилдан беш минг килограммдан ортиқ пахта териш учун бошланган социалистик мусобақада эришилган муваффақиятлар учун ишда алоҳида ўрнак кўрсатган қуйидаги теримчилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлансин:

ГУЛИСТОН РАЙОНИ БЎЙИЧА:

1. **Хосратова** Бой — Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.
2. **Муҳитдинова** Ойзира — Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.
3. **Шокирова** Зайтуна — Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.
4. **Езгинова** Галима — Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.
5. **Ҳайдарова** Хосият — Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.
6. **Муатдинова** Норгиз — Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.
7. **Берднева** Ойна — Сталинобод қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.
8. **Набиева** Ойша — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
9. **Норматова** Ҳидоят — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
10. **Мамашукуров** Оллаёр — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
11. **Ҳамратова** Ибодат — Крестьянская қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
12. **Эгамназарова** Ҳикмат — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
13. **Оллобердиева** Улфат — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
14. **Эркабаев** Абдумалик — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номидаги колхознинг теримчиси.
15. **Ҳайдаров** Жўрабой — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
16. **Аҳмедова** Тожихон — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
17. **Камолова** Ҳамро — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.
18. **Эшматова** Амина — Сталинобод қишлоқ советидаги Калинин номли колхознинг теримчиси.
19. **Ортиқова** Урубувуш — Сталинобод қишлоқ советидаги Калинин номли колхознинг теримчиси.
20. **Норматова** Майрам — Сталинобод қишлоқ советидаги Калинин номли колхознинг теримчиси.
21. **Абдикаримова** Меҳри — Сталинобод қишлоқ советидаги Калинин номли колхоз ҳузуридаги мактаб ўқучиси.
22. **Осинов** Тўлаган — Сталинобод қишлоқ советидаги Калинин номли колхоз ҳузуридаги мактаб ўқучиси.
23. **Эшонқулова** Бахмал — Красноармейский қишлоқ советидаги «Красная заря» колхозининг теримчиси.
24. **Норматова** Қизларой — Красноармейск қишлоқ советидаги «Красная заря» колхозининг теримчиси.

СИРДАР'Ё РАЙОНИ БЎЙИЧА:

25. **Эркабоева** Анорхон — Орловский қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг теримчиси.
26. **Қурбонова** Саодат — Орловский қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг теримчиси.
27. **Менятова** Зеби — Орловский қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг теримчиси.
28. **Иззатиллаева** Барангул — Калинин номли қишлоқ советидаги «XVIII партконференция» колхозининг теримчиси.
29. **Қамарова** Зулфия — Чолтўқай қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.
30. **Кийбосарова** Жонгул — Чолтўқай қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.
31. **Тоғаев** Туроб — Чолтўқай қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.
32. **Расулева** Зарифа — Чолтўқай қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.
33. **Деефурова** Сути — Орловский қишлоқ советидаги Ильич номли колхознинг теримчиси.
34. **Ломидзе** Марзия — Орловский қишлоқ советидаги Ильич номли колхознинг теримчиси.
35. **Йўлдошев** Маматқарим — Калинин номли қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг теримчиси.
36. **Не'матов** Холиқжон — Калинин номли қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг теримчиси.
37. **Абдуллаева** Гулхон — Сирдар'ё қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси.
38. **Камаева** София — Сирдар'ё қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси.
39. **Жумаева** Шербиву — Сирдар'ё қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси.
40. **Усмонова** Родика — Орловский қишлоқ советидаги «XIX Партс'езд» колхозининг теримчиси.
41. **Обозова** Зиллия — Орловский қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг теримчиси.
42. **Бўтаева** Думухма — Орловский қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг теримчиси.

МИРЗАЧЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА:

43. **Эркалиева** Маҳкал — Меҳнатобод қишлоқ советидаги Киров номли колхозининг теримчиси.
44. **Молчанова** Раиса — Октябрь қишлоқ советидаги «Октябрь» колхозининг теримчиси.

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСКИЙ РАЙОНИ БЎЙИЧА:

45. **Бўтаева** Қумри — Чкалов номли қишлоқ советидаги К. Маркс номли колхознинг теримчиси.
46. **Шеротова** Мамок — Верхне-волинский қишлоқ советидаги М. Горький номли колхознинг теримчиси.
47. **Султонова** Тоқатқул — Верхне-волинский қишлоқ советидаги М. Горький номидаги колхознинг теримчиси.
48. **Орифжонова** Анзират — Верхне-волинский қишлоқ советидаги М. Горький номидаги колхознинг теримчиси.
49. **Қорабоева** Қантан — Верхне-волинский қишлоқ советидаги М. Горький номидаги колхознинг теримчиси.
50. **Шеров** Боймат — Верхне-волинский қишлоқ советидаги М. Горький номли колхознинг теримчиси.
51. **Нуржонов** Маҳкам — Верхне-волинский қишлоқ советидаги М. Горький номли колхознинг теримчиси.
52. **Ҳасанова** Баҳор — Верхне-волинский қишлоқ советидаги М. Горький номли колхознинг теримчиси.
53. **Маматова** Эркиной — Чкалов қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг теримчиси.
54. **Ҳожибоева** Жаннат — Чкалов номли қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг теримчиси.
55. **Эгамбердиев** Тошпўлат — Чкалов қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг теримчиси.
56. **Оғалиева** Тўхта — Чкалов номли қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг теримчиси.
57. **Бекирова** Шекриё — Чкалов номли қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг теримчиси.
58. **Уппатова** Юлдуз — Чкалов номли қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг теримчиси.
59. **Арслонова** Бахмал — Чкалов номли қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхознинг теримчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри,
1954 йил, 4 октябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Тошкент областининг ишда алоҳида ўрнак кўрсатган пахта териш машиналарини ҳайдовчиларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлаш тўғрисида

1954 йилги пахта ҳосилини машина блан териш юзасидан бошланган социалистик мусобақада эришилган муваффақиятлар учун пахта териш машиналарининг қуйидаги энг яхши ҳайдовчилари Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлансин:

1. **Жўраев** Шомирза — Гулистон районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
2. **Ҳасанов** Мақсуд — Гулистон районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
3. **Маматқулов** Ҳалил — Гулистон районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
4. **Еттибоев** Шарипбой — Гулистон районидаги 2-нчи МТС нинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
5. **Айдинов** Николай — Гулистон районидаги 3-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
6. **Бакиров** Тошпўлат — Гулистон районидаги 3-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
7. **Леонов** Владимир Иванович — Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТС нинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
8. **Мирзаев** Яшар — Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
9. **Абсаломов** Ахмед — Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш мамашинасини ҳайдовчи.
10. **Куртаметов** Фозил — Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
11. **Батраков** Бадрат — Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
12. **Кучиев** Кубор — Мирзачўл районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
13. **Бекбўтаев** Холбўта — Мирзачўл районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
14. **Асқаров** Мирдалим — Мирзачўл районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.
15. **Бегимқулов** Аскан — Мирзачўл районидаги 2-нчи МТСнинг пахта териш машинасини ҳайдовчи.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри,
1954 йил, 4 октябрь.

ХХРнинг бешйиллиги байрамига келган ҳукумат делегациялари шарафига
Мао Цзэ-дун ҳузурида зиёфат

ПЕКИН, 4 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги қуйидагиларни билдирди:

Кеча кечқурун Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун Хитой Халқ Республикаси тузилган куннинг беш йиллиги байрамига таклиф этилган ҳукумат делегациялари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчёв, делегация а'золари Н. А. Булганин, А. И. Микоян, Н. М. Шверник, Польша ҳукумат делегациясининг раҳбари Болеслав Берут, Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг а'зоси Цой Ен-Гэн, Руминия ҳукумат делегациясининг раҳбари Георгий Апостол ва делегация а'зоси Петру Гроза, Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Самбу, Чехословакия ҳукумат делегациясининг раҳбари Вацлав Копецкий, Венгрия ҳукумат делегациясининг раҳбари Андраш Хегедюш, Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари доктор Лотар Больц, Болгария ҳукумат делегациясининг раҳбари Райко Дамянов, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Хоанг Минь Зиам, Албания ҳукумат делегациясининг раҳбари Бехар Штюлла ва мазкур ҳукумат делегацияларининг а'золари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Чехословакия элчиси Ф. Комзала, Польша элчиси С. Кирилюк, Вьетнам Демократик Республикасининг элчиси Хоанг Ван Хоан, Руминия элчиси Я. Коцовяну, Мўғулистон Халқ Республикасининг элчиси Б. Очирбат, Германия Демократик Республикасининг элчиси И. Кенг, Корея Халқ-Демократик Республикасининг элчиси Цой Ир, СССР элчиси П. Ф. Юдин, Болгария элчиси Д. Димов, Албания элчиси Н. Насе ва Венгрия элчиси А. Складан ҳам бор эди.

Хитой томонидан Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари Чжу Дэ, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитетининг раиси Лю Шао-ци, давлат кенгаши примьери Чжоу Энь-лай, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосарлари Сун Цин-лин, Линь Бо-цзюй, Ли Цзи-шэнь, Шэнь Цзюнь-жу, Хуан Янь-пэй, Пин Чжэнь, Ли Вэй-хань, Чэнь Шу-тун, Далай-лама ва Сайфиддин, доимий комитетнинг а'зоси Панчен-лама ҳозир бўлдилар.

Давлат кенгаши примьерининг ўринбосарлари Чэнь Юнь, Пин-Дэ-хуай, Дэн Сяо-пин, Дэн Цзи-хуэй, Хэ Лун, Уланьфу, Ли Фу-чунь ва Ли Сянь-нянь, давлат кенгашининг бош секретари Си Чжун-сиюнь, ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари Ли Кэ-нун, Чжан Хань-фу ва У Сю-цюань, Олий халқ судининг раиси Дун-Би-у, Мудофаа миллий кенгаши раисининг ўринбосарлари Лю Бо-чэн, Не Жун-чжэнь, Е Цзянь-ин, Чэн Цянь, Чжан Чжи-чжун, Фу Цзо-и ва Лун Юнь, генерал штаб бошлиғининг ўринбосарлари Хуан Кэ-чэн ва Чжан Цзунсунь ҳам ҳозир бўлдилар.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. Зиёфатдан кейин концерт қўйиб берилди.

ШАДРИНСКДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИ ВА ПРАКТИКАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ ТАМОМ БЎЛДИ

ШАДРИНСК (Курган области), 4 октябрь. (ТАСС). Шадринскда «Завети Ленина» колхози дала мудири, Шадринск тажриба станцияси директори Терентий Семенович Мальцевнинг методини ўрганиш ва ёйиш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ кенгаши кеча кечқурун тамом бўлди.

Усимликлар физиологияси институтининг ходими, «Завети Ленина» колхозида экспедиция блан бирга ишлаётган ўртоқ Цветкова ўз нутқида бундай деди:

— Ерни отвалсиз плуглар блан чуқур ҳайдаш ва шундан кейинги йилларда ерни саёз ишлаш тупроқнинг химик хусусиятларини ўзгартиради. Микроорганизмларнинг фаолияти кескин суратда кучаяди, ерда нам кўпаяди, ўсимликларнинг озиқланиши учун зарур бўлган моддалар ортади.

Биздаги ма'лумотларга кўра, ерни Мальцев методи блан ишлаганда тупроқнинг устки қатламидаги илдиз системасининг ҳажми 1,5—2 баравар ўсади. Ўтган йилги ма'лумотлар бу қатламдаги бугдой экини озиқа моддаларини анча активроқ ўзлаштирганлигини кўрсатади. Ернинг устки қатламида илдиз системасининг жуда кўп бўлиши ўсимликка ёмғир вақтидаги намликни энг кўп ўзлаштириш имкониятини беради.

— Ерни ишлашнинг янги системаси, — деди Бутуниттифоқ Зиғир илмий-текшириш институти агротехника бўлимининг мудири ўртоқ Абрамов,— зиғиркорлик зонасидаги районлар учун жуда керак ва фойдалидир. Калинин области колхозлари ўртоқ Мальцевнинг новаторлик агротехникасига жуда қизиқиб, 20 минг гектар майдонда ишлабчиқариш тажрибаси ўтказмоқдалар

— Биз «Завети Ленина» колхози далаларида,— деб давом этади ўртоқ Абрамов,— биронта ҳам бегона ўт кўрмадик. Бегона ўтлар ёзги шудгор қилинган ерларни пухта ишлаш йўли блан тугатилган. Бу биз учун намунадир. Бегона ўтларга қарши кураш юзасидан Мальцев томонидан ишлаб чиқилган агрономия комплексини барча колхозларда жорий қилиш керак.

Ўзбекистондаги Милютинск давлат селекция станцияси директори ўртоқ Мазуриннинг сўзидан кейин ўртоқ Мальцевнинг доклади юзасидан музокаралар тўхтатилди.

Шундан кейин Терентий Семенович Мальцев охирги сўзга чиқди. Колхоз олимига кўп саволлар берилди, у ҳамма саволларга муфассал ва тўла жавоб қайтарди.

Қишлоқ хўжалик новатори ўзининг ижодий планларини айтиб берди ва кенгаш қатнашчиларини ерни ишлашнинг янги системасини ишлаб чиқишда актив қатнашишга, бу масалаларни ижодий равишда ҳал этишга, қийинчиликлардан қўрқмасликка чақирди.

Ўртоқ Мальцев ўз сўзининг охирида ерни ишлашнинг Шадринск тажриба станцияси томонидан ишлаб чиқилаётган янги системасини кўрсатилган қизиқиш учун кенгаш қатнашчиларига ташаккур изҳор қилди. У «Завети Ленина» колхозига илмий иш олиб боришда берилган ёрдам учун Коммунистик партия Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига самимий ташаккур билдирди.

Сўнгра Россия Федерацияси марказий — қоратупроқ областлари, Украина, Молдавия секцияларининг, қоратупроқ бўлмаган доира — Белоруссия ва Болтиқ бўйи республикалари секцияларининг, Ўрта Осиё ва Закавказье секцияларининг раҳбарлари ахборот бердилар. Ҳамма секцияларда ерни ишлашнинг Мальцев таклиф этган янги системаси Мальцево қишлоғида бўлиб ўтган биринчи Бутуниттифоқ кенгашидагидек яқдиллик блан ма'қулланди.

Секция раҳбарларининг докладидан кейин СССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Кучумов нутқ сўзлади. У кенгаш якунларига тўхталиб, фан ходимлари ва қишлоқ хўжалик илғорлари колхоз олиминг иш методини ўрганишда актив қатнашганликларини та'кидлади.

Ялпи мажлисларда ва секцияларнинг мажлисларида 101 киши — олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва илғорлари—кенгашда қатнашган барча область ва республикаларнинг вакиллари сўзга чиқдилар.

Ўртоқ Кучумов сўзининг охирида «Завети Ленина» қишлоқ хўжалик артелининг колхозчиларига ва Шадринск машина-трактор станциясининг механизаторларига колхоз далаларида илғор агротехникани активлик блан амалга оширганликлари учун ташаккур билдирди ҳамда уларга ижодий ишларида янада муваффақиятлар тилади.

Кенгаш қабул қилинган қарорда ерни ишлашнинг Мальцев таклиф этган янги системаси муҳим аҳамиятга эга эканлигини та'кидлади; бу системани колхоз ва совхоз ишлабчиқаришига кенг равишда ёйиш тадбирлари белгиланди.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ИЙҒИМ-ТЕРИМИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 4 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Мирзачўл	1,83	38,19
Сирдар'ё	2,04	36,77
Гулистон	1,69	36,53
Верхне-волинск	1,67	34,60
Калинин	1,32	29,29
Оржоникидзе	1,44	29,22
Юқоричирчиқ	2,01	28,86
Чиноз	1,24	26,78
Ховос	1,18	25,52
Оққўрғон	1,52	25,23
Бекобод	1,32	25,05
Бўка	1,53	23,64
Пискент	1,22	23,49
Оҳангарон	2,14	21,42
Ўртачирчиқ	1,23	21,15
Янгийўл	1,23	20,56
Октябрь	1,19	20,36
Ўртасарой	1,32	20,36
Қуйичирчиқ	1,02	15,01
Паркент	0,58	12,58

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

УҚИШ ЙИЛИ УЮШҚОҚЛИК БЛАН БОШЛАНДИ

Бизнинг районда 40 та сиёсий мактаб ва партия тарихини ўрганиш тўгаракларини тузилди. Мактаб ва тўгаракларда 1 октябрьда ўқиш йили уюшқоқлик блан бошланди.

Чкалов номли колхозда сиёсий мактабнинг иккинчи ўқиш йили айниқса зўр тайёргарлик блан бошланди. Бу мактабга жалб этилган 12 коммунистнинг ҳаммаси машғулотга ўз вақтида етиб келди. пропагандист ўртоқ Шокиржонов биринчи машғулотни намунали ўтказди.

Ленин номли колхозда (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Юсупов, пропагандист ўртоқ Бойқизраев) ҳам партия тарихини ўрганиш тўгарагига жалб этилган 15 коммунистнинг ҳаммаси машғулотда ҳозир бўлди. Шунингдек Свердлов номли колхоз ҳузуридаги ва район милиция идораси ҳузуридаги тўгаракларда ҳам машғулотлар уюшқоқлик блан бошланиб, ҳамма коммунистлар ўз вақтида етиб келдилар.

Сиёсий мактаб ва тўгаракларга жалб этилган кишилар ўқиш китоблари ва тегишли қуроллар блан та'минланган.

Б. САРСЕНОВ,

Юқоричирчиқ район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

☆

ЎРТАЧИРЧИҚ. Район партия ташкилотлари сиёсий мактаб ва тўгаракларда янги ўқув йилини пухта тайёргарлик блан кутиб олдилар.

Бу йил район бўйича 11 жойда сиёсий мактаб, 28 жойда партия тарихини ўрганиш тўгараги, 3 та юқори типдаги партия тарихини ўрганиш тўгараги ташкил этилди.

Партия маорифи шохобчаларига бу йил 104 хотин-қиз жалб этилган. Улар ўзларининг сиёсий билимларини ошириш устида қунт блан ишламоқдалар.

Район партия комитетининг пропагалда ва агитация бўлими сиёсий мактаб ва тўгаракларда ўқув йилини уюшқоқлик блан бошлаб юборишга яқиндан ёрдам бермоқда. Райондаги Куйбишев номли, «Ленин йўли», Ворошилов номли колхозларда ўқув йили уюшқоқлик блан бошланди.

М. АБУБАКИРОВ.

☆

ОҲАНГАРОН. Бу йил шаҳарнинг икки жойида сиёсий мактаб, 37 жойда партия тарихини ўрганиш тўгараги, 3 жойда эса юқори типдаги партия тарихини ўрганиш тўгараги ташкил этилди.

Шаҳар партия комитети бу йил марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганучилар учун семинарлар, консультациялар ташкил этиш масаласига алоҳида э'тибор бермоқда. Мустақил ўқучиларни адабиётлар, кўргазмали қуроллар блан етарли даражада та'минлаш учун барча тадбирлар кўрилди.

Булар учун консультант қилиб Инженер В. Соловьев, М. Рамазонова, «Узглавуголь» трести комбинатининг хизматчиларидан П. Савченко, врач А. Сергеева ўртоқлар биркитилди.

Шаҳар партия комитети ҳузуридаги кутубхона зарур адабиётлар, ўқув қуроллари блан етарли та'минланган.

Ф. ПЕТРОВ.

ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

ОЛМАЛИҚ. (ЎзТАГ). Бу ерда шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш илмий-атеистик пропагандани яхшилаш тўғрисида ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш пропагандасини кучайтириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Йил бошидан бери Олмалиқда шу хил темаларда 300 га яқин лекция ўқилди. Лекцияларни партия, совет ва инженер-техник ходимлар, врачлар, педагоглар ўқимоқдалар.

Шу блан бирга йиғилиш қатнашчилари шаҳар партия комитети аҳоли ўртасида атеизм ва соғлом турмуш пропагандасини ҳали етарли ривожлантирмаганлигини та'кидладилар.

Йиғилишда партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари аҳоли ўртасида идеологик ишларни кучайтириш учун мавжуд имкониятлардан етарлик фойдаланмаётганликлари кўрсатилди. Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Биринчи машғулот

Смена ишни тамомлаган бўлса ҳам, ишчилар корхонадан кетмадилар. Улар қизил бурчакларга томон бордилар. Бугун тўгаракларда ва сиёсий мактабларда янги ўқув йили бошланди.

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати ип фабрикасининг қизил бурчагига КПСС тарихини ўрганиш тўгарагининг а'золари тўпланди. Тўгарак а'золари ўз пропагандистини—инженер Р. Хайриддинович яхши танийдилар. Хайриддинова 1951 йилда марксизм-ленинизм кечки университетини тамомлаган пайтда партия комитети унга асосан фабриканинг етакчи касбларда ишловчи ишчилари шуғулланадиган сиёсий мактабга раҳбарлик қилишни топширди. Икки йилдан сўнг, ўқув программаси тамом бўлганидан кейин шулардан иборат составда партия тарихини ўрганиш тўгараги ташкил этилди. Партия ташкилоти Хайриддинович тўгарак пропагандисти қилиб тайинлади.

...Мана, ёш коммунист, илғор меҳнат методлари инструктори М. Салоҳова машғулотга келди. У, коллектив ўртасида обрў қозонган. Юксак малакали тўқучи ўртоқ Салоҳова кўп ишчиларни меҳнатнинг новаторлик усулларига ўргатди.

Созловчи Я. Салин ва лаборант Ф. Гуральник стол ёнига келиб ўлтирадилар. Улар ўтган ўқув йилида якунловчи машғулотларда жуда яхши билим олганликларини кўрсатдилар, ҳозир эса Салин ва Гуральник—яхши агитатор ҳисоблананди. Улар томонидан ўтказиладиган суҳбатлар ҳамавақт актуал ва мазмунли бўлиб, жонажон корхона қаётидан ёрқин мисоллар блан тўла бўлади.

Тўгаракда бирқанча комсомоллар билим олмоқда. Булар орасида энг яхши тросьтильчи И. Хўжаметова, илғор комплекс раҳбари М. Гриднер, малакали созловчи С. Облоевлар бор.

Машғулот белгиланган вақтда бошланди. Тажрибали пропагандист ўртоқ Хайриддинова янги ўқув йилининг биринчи машғулотига жуда яхшилаб тайёрланган. Фрунзе район партия комитети ҳузуридаги семинарда у партия тарихи дарслигининг саккизинчи боби тўғрисидаги суҳбатни қандай ўтказиш юзасидан методик кўрсатма олди, муфассал конспект тузиб чиқди, кўргазмали қуроллар тайёрлади. Ҳозир у машғулотни ишонч блан ўтказмоқда, тўгарак а'золари унинг сўзларини диққат блан тингламоқдалар.

Пропагандист Октябрь революциясининг Россия помешчиклари ва капиталистларини қандай қилиб тор-мор этиб ташлагани, ёш Совет республикасини агдариш тўғрисида оқ гвардиячи генераллар блан биргаликда Антанта ҳукуматлари тил бириктиргани ҳақида жонли ва тушунарли қилиб гапириб беради. Тўгарак раҳбари Ватан учун оғир бўлган ана шу даврда Коммунистик партиянинг ишчилар ва деҳқонларни четэл босқинчиларига ҳамда буржуа помешчик оқ гвардиячиларга қарши Ватан урушига отлантирганлиги, Қизил Армиянинг партия раҳбарлигида қандай қилиб галаба қозонганлиги ҳамда Антанта малайларини Совет мамлакати тупроғидан ҳайдаб чиқарганлиги ҳақида гапиради.

Шундан кейин ўртоқ Хайриддинова совет халқи қозонган ва қозонаётган ҳамма ғалабаларда Коммунистик партиянинг ролини уқтириб ўтади, жонажон давлатимизнинг қудратини мустаҳкамлаш вазифалари тўғрисида, меҳнат унумини ошириш зарурлиги ҳақида гапиради. Шу муносабат блан пропагандист комбинат ва фабрикалар коллективларининг вазифаларига тўхталади.

Тўгарак раҳбари гапини тамомлагандан кейин тўгарак қатнашчиларига келгуси суҳбат учун қайси адабиётни ўқиш кераклигини айтади, конспект тузиш методикаси тўғрисида маслаҳатлар беради.

☆

Пропагандист Б. Грузден, А. Жаҳонгирова, И. Гильман, Е. Одилова, А. Степанов, А. Айтикин ва бошқалар раҳбарлик қилаётган тўгараклар ҳамда сиёсий мактабларда биринчи машғулотлар уюшқоқлик блан ўтди.

Комбинат партия ташкилоти янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш соҳасида катта ишлар қилди. Фабрика партия бюроларининг а'золари цехларда ва бўлимларда коммунистлар блан суҳбатлар ўтказдилар. Ўқув тормоқларини комплектлаш вақтида тингловчиларнинг хоҳиши ва уларнинг билим даражаси ҳисобга олинди. Ўз ғоявий-назарий билим даражасини мустақил равишда оширишга хоҳиш билдирган коммунистларнинг сони бу йил ортганлиги характерлидир. Комбинат партия комитети уларга ёрдам учун тажрибали консультантлар ажратди, партия тарихи, философия, сиёсий иқтисод бўйича лекциялар ўқишни ташкил этди.

Марксизм-ленинизм кечки университети филиалининг ўқучилари анча кўпайди. Бу ерда бу йил биринчи марта университетнинг учинчи курси ишлай бошлади. Ҳозир филиалда икки юзга яқин киши марксча-ленинча назарияни ўрганмоқда. (ЎзТАГ).

Сталин номли тўқимачилик комбинати партия кутубхонасида. Суратда: Консультант ўртоқ **А. Аҳмедов** сиёсий мактаб тингловчиси **Х. Хўжаева** блан суҳбат ўтказмоқда.

В. Салов фотоси.

Полиграфия саноати ишини янада яхшилашга эришайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кейинги йиллар ичида матбуот ва полиграфия саноатини ривожлантириш, босма маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилди.

СССР тараққиётининг 1951 — 1955 йилларга мўлжалланган бешинчи бешйиллик плани юзасидан партия XIX с'езининг директивларида бадиий ва илмий адабиёт, дарслик, журнал ва газеталар чиқаришни анча ошириш учун полиграфия саноати кенгайтирилсин ва китобларни босиш сифати яхшиласин ҳамда китоблар чиройли қилиб чиқарилсин деган муҳим кўрсатма берилди.

Тошкент областидаги полиграфия корхоналари ва газета, журнал редакцияси коллективлари партия ва ҳукуматимизнинг ана шу кўрсатмаларига тўла амал қилиб, бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар.

Областьда газета, журналлар йилдан-йилга кўпаймоқда. 1952 йилда областимизда шаҳар газеталари 6 та, район газеталари 11 та бўлган бўлса, эндиликда шаҳар газеталари 9, район газеталари 16 тага етди. Шу йилнинг февраль ойидан бошлаб, ўзбек ва рус тилида «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» область газеталари ташкил қилинди. Қорасув районида «Ленин йўли» Қуйичирчиқ районида «Колхозная искра» номли янги газеталар чиқабошлади.

Область ва район меҳнаткашлари бу янги газеталарни қувонч блан кутиб олдилар ва зўр қизиқиш блан обуна бўлдилар. 1952 йилда шаҳар ва район газеталарининг тиражи 3 миллион 411 минг бўлса, эндиликда область, шаҳар ва район газеталарининг тиражи 5 миллион 43 минг 200 га етди.

Область партия комитети газета журнал редакциялари ишларини яхшилаш, ходимларнинг журналистик малакаларини ошириш ва газеталарнинг та'сирчанлигини кучайтириш мақсадида бирмунча тадбирларни белгилади. Газета редакторлари ва секретарларининг кенгашлари, семинарлари ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан ташкил қилинган бир ойлик курсда шаҳар ва район газеталарининг редактор ва мас'ул секретарлари ўз малакаларини оширдилар. Улар республика, область газеталари редакциялари иши блан яқиндан танишдилар, амалий тажрибалар ўтказдилар.

Бундан ташқари республика ва область газеталари ўз саҳифаларида тез-тез матбуот обзори бериб бориб, газета ва редакция ходимларининг камчиликларини тузатишда катта ёрдам бердилар.

Газетанинг тили, жумла тузилиши, ғоявийлиги ва техникасига боғлиқ масалалар тўғрисида ёзма обзорлар ёзилиб, газета редакцияларига юбориб турилди. Жойларда эса редакция ва босмахона коллективлари блан бирликда газетани ҳар жиҳатдан юқори сифатли қилиб чиқариш тўғрисида ишлабчиқариш йиғилишлари ва семинарлари ўтказилди.

Бу чораларнинг ҳаммаси газета редакциялари ишларини яхшилаш, газета ходимларининг малакаларини ошириш ва газеталарнинг сифатини бирмунча яхшилашга ёрдам берди. Ховос районида чиқадиган «Меҳнат йўли», Ўртачирчиқ районидаги «Мўл ҳосил учун», Гулистон районидаги «Коммунизм учун», Юқоричирчиқ районидаги «Олга» газеталари редакция коллективлари ўз ишларини бирмунча яхшиладилар. Улар газета материалларини ўз вақтида пухта ишлайдиган, газетани ҳар жиҳатдан қизиқарли қилиб чиқарадиган, ойлик газета чиқариш планларини тўла бажарадиган бўлиб қолдилар.

Лекин, областьдаги айрим шаҳар ва район газеталарининг редакция ходимлари газетани графикда кўрсатилган кунда чиқармайдилар, газета материалларини ўз вақтида ва пухта ишламаганликлари натижасида редактор томонидан полосалар ҳаддан ташқари бўялади, график бузилади. Оҳангарон район газетаси (редактори ўртоқ Шоисмоилов), Оққўрғон (редактори ўртоқ Раҳмонова), Бўка (редактори ўртоқ Солихов), Бекобод (редактори ўртоқ Саримсоқов) район газеталари ходимларининг иш услублари фикримизнинг яққол исботи бўлаолади. Улар ойма-ойига газета чиқариш планларини бажармайдилар. Бунинг устига чиқарилаётган газеталарда имловий, стилистик ва техника хатолари кўплаб учрайди. «Оҳангарон ҳақиқати» газетасининг сифати айниқса ёмон. Редакция ходимлари шу йилнинг ярим йили ичида 14 сон газета кам чиқардилар. Газета ходимлари республика ва область газеталари саҳифаларида берилган матбуот обзоридан кейин ҳам ўз хатоларини тузатмаётирлар. Бу эса, район партия комитетлари ўз газетасига мутлақо раҳбарлик қилмаётганини, газета редакцияси иши тўғрисида чиқарган қарорларининг ижросини текширмаётганликларини кўрсатади.

Айрим шаҳар ва районларда газетага обуна қилиш ёмон ташкил қилиниши ва бу ишга раҳбарлик қилинмаслиги орқасида обуна плани бажарилмаётир. Бекобод шаҳрида чиқадиган «Социалистик Бекобод» газетаси (редактори ўртоқ Қудратов) тираж планини 34 процент, Оҳангарон шаҳрида чиқадиган «Ўзбекистон шаҳтёри» газетаси (редактори ўртоқ Убайдуллаев) 36,3 процент бажардилар, холос.

Газетани ўз вақтида, белгиланган графикда чиқармаслик ва айрим сонларининг чиқмай қолиши бир томондон хўжалик ҳисобидаги босмоханаларнинг планга фойда қилишмаганлиги ва иккинчи томондан пул тўлаб, газетага обуна бўлган кишиларнинг газеталарни белгиланган вақтда сонма-сон олмай қолишларига сабаб бўлаётир.

Полиграфия саноати матбуотимиз блан бирга ривожланмоқда ва техника жиҳатдан такомиллашиб бормоқда. 1952 йилда 4 та шаҳар, 8 та район босмахонаси бўлса, эндиликда 5 шаҳар, 12 район босмахонаси бор. Улар йил сайин янги типдаги машина ва ускуналар олиб, хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда.

Полиграфия кадрлари тайёрлашда ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. 1953 — 1954 йиллар ичида шаҳар ва район босмахоналарида 50 га яқин ҳарф теручи, печатник ва муқовачилар тайёрлаб чиқарилди. Булардан 13 таси ўзбек хотин-қизларидир. Бу йил республика полиграфия мактабини битириб чиққанлардан 14 киши областьнинг шаҳар ва район босмахоналарига ишга юборилди. Шу кунларда хотин-қизлардан 6 киши босмахона мудирлари, 3 киши шаҳар ва район газеталарининг редакторлари, 2 киши мас'ул секретарь бўлиб ишламоқда. Булар меҳнатда ижодий ташаббус кўрсатиб, журналистик ва полиграфия техникасини тўла эгаллаш мақсадида қунт блан ишламоқдалар.

Область полиграфия саноатига қарашли корхона коллективлари йиллик маҳсулот ишлабчиқариш ярим йиллик планини муддатидан олдин 123 процент бажарди, я'ни ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 22,6 процент ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилган область полиграфия корхоналари ичида Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Мирзачўл шаҳар босмоханалари, Ўртачирчиқ, Паркент, Қуйичирчиқ район босмахона коллективлари олдинда бормоқдалар. Улар астойдил меҳнат қилиб, ярим йиллик давлат планини муддатидан илгари бажардилар.

Чирчиқ шаҳар босмахона коллективи (директори ўртоқ Сироҳ Ризаматов) айниқса яхши натижаларга эришмоқда. Бу ташаббускор коллектив йиллик планни муддатидан 4 ой илгари — 12 августа 108 процент қилиб бажарди, йил охиригача яна 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Босмахона ишчиларидан Найденко, Усмонова, Мокаль, Малахова, Муҳаммедова, Умматова ўртоқлар кундалик нормаларини системали равишда ошириб бажариб, коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Корхона коллективи бу муваффақиятларга мавжуд машина ва ускуналардан максимал фойдаланиш, социалистик мусобақани кенг ривожлантириш, сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш хомашё ва ёрдамчи материалларни тежаб-тергаб ишлатиш, илғор иш методларидан кенг фойдаланиб, меҳнат унумини ошириш натижасида эришдилар.

Қўлга киритилган бу ютуқлар ва муваффақиятлар областимизда матбуот ва полиграф саноатининг ривожланиб бораётганлигини кўрсатучи ёрқин далилдир.

Шуни ҳам та'кидлаб ўтиш керакки, ба'зи район босмахона коллективлари давлат планини системали равишда бажармай келмоқдалар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига э'тибор бермаётирлар, мавжуд имкониятлардан ёмон фойдаланмоқдалар, кадрлар блан ишлаш, уларнинг малакасини ошириш ишига э'тибор бермаётирлар. Оҳангарон район босмахонаси (мудири ўртоқ М. Хаирова), Бўка (мудири ўртоқ М. Хаирова), Оққўрғон (мудири ўртоқ Ахроров) район босмахоналари шулар жумласидандир.

Ба'зи шаҳар, район редакция ва босмахоналари ёмон шароитда ишламоқдалар. Улар жойлашган биноларнинг хоналари тор ва талабга мутлақо жавоб бермайди. Бу биноларнинг бир қисмини бошқа ташкилотлар эгаллаб олганлар. Масалан, Оҳангарон шаҳар редакцияси ва босмахонаси жойлашган бинони шаҳар та'миноти бўлими, ЗАГС, лаборатория ва горплан эгаллаган. Оҳангарон район газетаси редакциясининг биносидан икки хонани эса район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ Носиров ўзига квартира қилиб олган. Шунингдек, Сирдар'ё район газета редакцияси биносининг икки хонасида район ЗАГС бўлими, Ўртачирчиқдаги босмахона биносида райвоенкомат, Чирчиқ шаҳар редакцияси турган жойда нотариус жойлашиб олган. Бу ҳол редакция ва босмахоналарнинг нормал ишлашига халақит бераётир. Бошқа ташкилотларни бу бинолардан кўчириб юбориш, редакция ва босмахоналарга нормал иш шароити яратиб бериш ҳақидаги талаблар шаҳар ва район партия комитетлари, район ижроия комитетлари томонидан оқибатсиз қолдириб келинмоқда.

Редакция ва босмахона коллективларининг ўз олдиларида турган жуда катта вазифаларини муваффақият блан бажаришлари учун шаҳар ва район партия комитетлари раҳбарлик қилиш усулини яхшилашлари, газета редакцияларига ҳамда босмахона коллективларига амалий ёрдам беришлари лозим.

У. МАДРАҲИМОВ,

Область маданият бошқармаси полиграфия бўлимининг мудири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Тошкент темир йўлининг эркатойлари“

Газетамизнинг шу йил 22 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида редакция почтасидан материал босилиб, унда 51-нчи поезд «Голодная степь» станциясига келган вақтидаги тартибсизликлар ҳамда Тошкент темир йўлидаги айрим нуқсонлар танқид қилинган эди.

Темир йўл Тошкент бўлими бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Хотимскийнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола поезд бошлиқлари ва вагон проводникларининг ишлабчиқариш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда газетада келтирилган фактлар биргина 51-нчи поездагина эмас, 80-нчи, 58-нчи поездларда ҳам борлиги аниқланган. Темир йўл ма'мурияти камчиликларни битириш ва темирйўлчилар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш тадбирларини кўрган.

Фасллар

(ПОВЕСТЬ*)

Ҳабиб НУ'МОН.

— Раис экскаватор берилмайди, деди. Мен унга ишониб йигитларингни ўғит ташишга юбориб янглишдим, айб менда, кечир. Зовурни икки кунда қазиб тугатасан деб ҳали мени яна ҳафа қилди. Сенга одам қўшиб берайлик десам унамади. Сен ётиб дам ол. Эртага Лолахоннинг звеносидаги одамларни ўтказиб бераман. Бунга Лолахон ҳам розн.

— Йўқ,—деди бирдан Алижон, ўзини тетик тутиб, — ўзим қазиб битираман.

— Нима деб ўйлаяпсан, озмунча ишми?

— Назир ака, менга ёрдамчи керак эмас. Одамларни ўғит ташишга юборганингизга ҳафа эмасман. Раис ишонтириб тайёр экскаватори шу вақтгача олдириб келмаганига ҳафаман.—Алижон қизарган кўзларини алам блан юмиб олди.—Раис тўғри айтади. Ҳашарни мен ҳам ёмон кўраман.

Бригада бошлиғи Алижоннинг қат'ий гапига қарши сўз айтиб, уни кўндираолишига акди етмади. Раисга бўлган газаби ортди.

— Шунақа одам блан ишлашдан ҳам кечининг келади. Раҳбар деган гапга тушинсада. сен нима учун қайғирсанг, бошқалар ҳам шундай, билмадим, Мирзаевнинг қанақа билгани бор!—Назирака Алижонга меҳрибонлик блан боқди:

— Майли ишла, лекин кўп уринма.

Назирака отга мининб ҳайрлашди. Алижон уйига кетди.

Чарчоқдан қанчалик кеч ухлаган бўлса ҳам, тонг ёрир-ёримас уйғонди. Сапчиб ўрнидан туриб, ариқдаги муздек сувга юзини ювди. Уйга кириб артингач, иш кийимларини кийиб кетманини елкасига олди.

У, далага еткандагина атрофга қаради. На ўзининг, на Лолахоннинг ва на бошқа звеноларнинг ерида одам кўринади. Барвақт уйғонганидан хурсанд бўлиб, зовур ичига енгил сакраб тушди. Бригададаги ҳамма звено ва ҳатто қўшни бригадалардаги звеноларнинг ҳам ариқ қазишни тамомлаганлар. Лолахон звеноси кеча тилма зовурни қазиб бўлган. Фақат ўзининг звеносида саккиз метр зовур қолган. Шу жой олинса тилма қўшни звенонинг зовури блан қўшилиб, сизот сувига Бўзсув ўнгури томон йўл очилади. Шунга олти киши биркун ишласа бўлади: экскаватор эса кўпи блан ярим соатда кавлаб ташлайди.

Алижон зовурнинг қазилган қисмига қаради. Ўттиз метр узунликдаги одам бўйи янги тилмадан ham тепиб турибди. Уч кундан буён ўзи қазиган масофа етти-саккиз метр келади. «Буёғини ҳам оламан» деди ишонч блан. Кеча кечқурун кўзига жуда кўп бўлиб кўринган иш ҳозир «ҳеч»дай сезилди.

Ҳаво анчагина совуқ, изғиринли шомод юзни ачитиб ўтади. Алижон бир пас ишлагач, калта пахталигини ешиб, ариқнинг қиғоғига қўйди. Ич кўйлак устидан кийган гимнастеркасини пахталик шими ичига тиқиб, камарини қаттиқ тортиб олди. Шундан сўнг иш унумлироқ бўлди. Кетман чип этиб ерга тушади; тупроқ уюми кўтарилаборади.

Алижон икки соат сра тўхтамай зовур қазиди. Қорни очиб овқатга иштаҳаси ортиб бораётганини сезди. Бутун вужудини тер босиб кетган, шимининг чўнтагидан дастрўмолини олиб, юз ва чеккасидан оқаётган терни артди . Кетманни зовур ичига қўйди-да, лип этиб сакраб юқорига чиқди. Тупроқ устига боя қўйган калта пахталигини олиб елкасига ташлади. Зовурнинг остки қатламини олаётгани учун атрофга қарамаган эди. Ҳозир ҳамма звеноларда колхозчилар ишламоқда. Ўз звеносининг а'золари катта картани экишга тайёрламоқдалар.

Ҳаво булутлиги учун чой маҳали бўлганини билолмади. Лекин шийпон ёнида Шарофатхолани ва катта самовардан буғ чиқараётганини кўриб, ўқариқ бурилган жойдан кесиб ўтди-да, тўғри шийпонга борди. Шарофатхола Алижоннинг бевақт ишни ташлаб кетганини сра кўрмаган эди:

— Келинг, ўғлим.

— Саломалайким, хола, чойингиз қайнадими?

— Ҳа, қайнаб ётибди, вақтни билолмай одамларни чақирмаётган эдим.

— Вақтлироқ бўлса ҳам менга чой беринг. Тезда ичиб оламан.

— Хўб, — деди Шарофатхола. шийпоннинг токчасида турган чойдан бир қайнатим олиб самовар ёнига борди. Чойнакда чой дамлаб, иккита иссиқ нонни патнусга солди-да, сўради:

— Қаерда ичасиз?

— Шу ерга олиб келақолинг. — Алижон шийпон лабига ўлтиргач, Шарофатхола ўғли Мирпўлатга олиб келган бир коса ширава сутни Алижоннинг олдига қўйди:

— Нон тўғраб енг, ишлайдиган одам.

— Мирпўлат нима ичади, қўяверинг нон ҳам бўлади.

— Йўқ, ичинг, Мирпўлат идорага кетган, кечроқ келса керак.

— Нима иш бор экан идорада?

— Кеча кечқурун чақиришиб, клубга олиб кетишди. Анави пилдироқ йигитчи, ҳа, Қосимов, ўша ҳам бор. Чамаси деворий газетага расм-пасм солишса керак. Ундай десам табельларини ҳам олишиволди, иш қилиб, тинчлик бўлсин.

Алижон Мирпўлатнинг расм солишга уста эканлигини билгани учун деворий газетани ишлашга чақиришган бўлса керак деб таҳмин қилган эди. Холанинг авзойидан бирор гап борми, деб ўйлади.

— Тинчлик бўлмай нима бўлар эди.

— Ҳарҳолда паст-баланд гап оралмагани яхши-да.

— Қанақа гап, бировдан бирор гап эшитдингизми?

— Йўқ, срасини айтаман-да; миж-миж гап қурсин. — Шарофатхола кеча ўғли Мирпўлатнинг «раис Алижон акамга чап бўлиб қолибди» деган сўзини эшитгандан бери ҳавотир олабошлаган эдим.

Ўғлининг сўзини Алижонга айтмади.

— Парво қилманг хола, табельни кўришиб, мажлисда танқид қилишар, ёки бирор танбиҳ беришар, ишимизга ёрдам бўлади.

Алижон бир пиёла чойни ичиб устидан сутга бўктирилган нонни еди, косада қолган сут устига чой қуйиб оқлаб ичди-да ўрнидан турди.

— Мен тушликка келмайман.

— Шунақами, овқатни ўзим олиб бораман бўлмаса.

— Бемалол бўлса.

— Малоллиги борми, ундай деманг.

Алижон тушгача тинмай ишлади. Шарофат хола бир қўлида овқат солинган мис товоқни кўтарган ва қўлтиғида нон ўралган оппоқ чочиқ қистирган ҳолда зовур тепасига келиб «ҳорманг» деганида Алижон кетманидан қўлини олди.

— Бор бўлинг. Раҳмат хола, раҳмат.

Шарофатхола мис товоқни дастурхондан олиб, нонни ўралган ҳолда пастга узатди ва «совумасдан еб олақолинг» деб шийпон томонга кетди. Шовла қиёмига етиб пишган эди. Алижон иштаҳаси совумаган пайт бўлгани учун ҳузур қилиб еябошлади.

Меҳнат самараси блан баракали. Меҳнат қилиш мақсадининг рўёбга чиқиши блан ғўзалдир. Ҳарбир кетмон урилганда тўкилган терлар меҳнатнинг дурри, бу дур Алижонни ўз истиқболининг порлоқлигига яна ҳам қаттиқ ишонтиради. Алижон иссиқ шовлани еяр экан, ҳарорат орқасида ҳарбир мўйидан тер оқканини сезмас, тобора енгил тортар эди.

Шовлани еб бўлиб, бўш товоқни бир четга олиб қўйди-да, яна ишга тушди. Кетмон ҳавода ўйнаб зовур узаларди. Эрталабдан бери қилган иш кечгача мўлжалланганининг ярмидан ошганда кетмонини ерга қўйиб колхозчилар томонга юрди.

Звеносидаги тўрт хотин ва уч қиз беш гектарлик яхлит картани уч кун мобайнида текислаб, экишга тайёрлаб бўлаёзган эди. Шу уч кундан бери уч эркак ўғит ташиди, ўзи зовур блан банд. Алижон бунчалик иш бўлишига кўзи етмай, экиш кейинга сурилиб кетмаса эди, деб ташвишланган эди.

— Ҳорманглар, — деди у хурсанд бўлиб.

— Бор бўлинг, ўзингиз ҳорманг — деди Анороп.а.

Анороп.а эри Ватан уруши фронтида ҳалок бўлиб, уч ёш бола блан бева қолган. Звенодагина эмас, бутун колхозда илғор бўлган бу хотинни «Анорполвон» деб атайдилар. Анороп.а Алижон блан икки оғиз сўрашдию, индамай ишлайверди. Кўркам ва бақувват гавдаси блан кетмонга маҳкам ёпишган, лекин чехраси сўник кўринади. Бошқалар ҳам шунақа. Алижон ҳайрон бўлди. Алижон звенонинг энг кичик а'зоси — Рамазонаканинг қизи Махсумани эркалаб «Бачу» деб чақирарди. Махсуманинг кўзи қизарган, йиғлаганга ўхшарди.

— Ҳа, Бачу ,нима қилди?

Махсума ерга урган кетманни узиб олмай, дув тўкилган ёшини артиб тескари қаради.

— Нимага йиғлайсан, опоқ қиз, нима қилди? — Алижон шошиб қолди.

— Деворий газетада ажава қилиб солган эканлар. Шунга хафа бўлаётир, —деди Анороп.а.

— Бачунинг расминими, нега?

— Бачунигина эмас, ҳаммамизни ҳам уришибди, анави мўлтони Қосимов... Ўша боя шийпонда ўқиб бергандан бери йиғлайди.

Алижон нима эканлигига тушунди. Колхоз деворий газетасида звенони танқид қилганликларига акли етди. «Гўё ўч олмоқчи бўлишибдилар-да», деб ичидан зил кетди. Лекин парвосизча деди:

— Шунгами?

— Шунгами, дейсиз, — Анороп.а тушунолмай қаради, — ҳар қайсимиз битта одамча ўлиб — тирилаётган бўлсакку қилдан қийиқ ахтариб, танқид қилишса, звеномизни тошбақа қилиб ҳаммамизни кетига тиркаб қўйишибди.

Алижон кулиб юборди. Ҳафа бўлишга арзимайди. Ҳамавақт илғор бўлиб келганмиз, яна илғор бўламиз. Танқид фойда беради, бўшашмасдан ғайрат қилиш керак.

— Биз ҳам зовур қазиймиз, —Анороп.а ёнида қовоғини солиб турган юмалоқкина қиз Алижоннинг сўзини бўлди. — Зовур қазилмагани учун тошбақа бўлиб ўлтирибмиз.

— Сизлар, анавини, — деди Алижон, — уч гектарлик нариги картани кўрсатиб, — кетма-кет тайёрлаб, кўриққа ўтинглар, экишни ҳаммадан олдин тамомлаймиз. Зовур блан ишларингиз бўлмасин, бугун-эрта ўзим тўғрилайман.

У, звено а'золарини ишга солиб зовур ёнига борди. Ўзини ҳарқанча босиқ тутса ҳам хаёлидан «наҳотки ҳечким ўйламаса» деган фикр кетмас эди. Шу куни кечгача зовурнинг қолган қисмидам кўпроғини қазиди. Эртасига ҳам азонда иш бошлади. Лекин кечагидек ҳаво айниб, дам ёғиб дам тинарди.

Эрталабдан бери кезган булутлар кечга томон қуюқлашиб, осмонни текис қоплади. Эрталабки изғирин ўрнига илиқ ва кишини димиқтиручи шамол эсабошлади. Алижон гимнастёркасини ҳам ечиб фақат ички кўйлаги блан ишламоқда. Бироз ўтгач, орқасига бириккі томчи ёмғир томди. Бора-бора ёмғир тезлаша бошлади.

Ёмғирнинг пасайишини кутган колхозчилар ҳаммаёқлари ҳўл бўлавергач, ўзларини панага олдилар. Ёмғир тобора зўраймоқда. Дарахт орасидан тушган ёмғир ҳаммаёқни ивитиб юборгач, колхозчилар бошқа пана жойни қидириб қолдилар. Пана жой йўқ. Қишлоқ узоқ. Энг яқин жой шийпон эди.

Алижон эса ҳамон ишламоқда. Кўйлаги баданига ёпишиб, нам пахталик шимидан ҳам ўтган, тус дўпписининг оқ гармдори гули ёмғир блан хираланиб, қатлари бошига ёпишиб кетган. Бутун вужудидаги тер кенг елкаси орқали осмонга буғ бўлиб кўтарилмоқда. Бақувват кўлининг мускули кетмон урганда, тупроқ иргиттанида худди беш қадоқлик тош каби дам йиғилиб, дам ёзилади.

Зовур оёқ турмайдиган даражада лой бўлиб кетди. Алижон кетмонига ёпишган лойни тепиб туширди-да, оёқ тагига уч-тўрт кетман қуруқ тупроқ сепди. Қўли сирғанабергач, кетман дастасига бир қисм тупроқ олиб сурди-да, яна кетман урабошлади.

Бу йигитни ёлғиз далада, ёмғирни писанд қилмай иш блан олишишига ким мажбур қилди. Раснинг ўжарлиги орқасида экскаватор берилмаган экан, зовур вақтидан кечроқ қазилса нима бўлади, бунинг учун Алижонни ҳечким жавобгар қилмайди-ку.

Алижондан бошқа одам бўлганда шундай дейиши мумкин эди. Аммо у деёлмайди. Гурури, муҳаббати бунга йўл қўймади. «Жамоат ва давлат ишида юз берган қийинчиликларни енгиш учун кишида қаттиқ ирода ва муҳаббат бўлиши керак». Бу олижаноб сўзни эшитганидан буён аллақанча вақт ўтган бўлса ҳам Алижон уни доим эсида сақлайди. Унинг қалбида муҳаббат ўти аланга оларгача сари бу сўзнинг ма'носини тобора чуқурроқ англар эди.

Лолахон...

(ДАВОМИ БОР).

*) бошқа газетамизнинг 7, 10, 12, 19 ва 24 сентябрь сонларида босилган.

Пахта тайёрлаш сур'атини тобора ошириб, кунлик ва бешкунлик графикларни бажаришга эришайлик!

☆ ☆

Механик ҳайдовчи Арслон Усмонов

Биз бу йигитни Сталин номли колхознинг пахта даласида учратдик. У, СХМ 48 М машинаси блан пахта термоқда эди. Арслон худди ана шу машинада кеча нормага нисбатан уч баравар ортиқ пахта териб берди.

— Шу машинани чиқарганларга ҳам, уни бошқараётганларга ҳам, балли — дейди звено бошлиғи Аҳрорака Хатамов — моҳир механик-ҳайдовчи Арслон Усмоновнинг машина блан пахта тераётганини кузатиб,—эндиликда партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли колхозларимиз мўл пахта ҳосилини қисқа муддатда йиғиб-териб берадиган қудратли машиналар ва уларнинг бошқарувчи кадрлар блан та'миналанган. Техниканн севган, уни эгаллаб олган мана шу кишилар орасидан ҳақиқий меҳнат қаҳрамонлари чиқади-да.

Синалган машинаси блан пахта териш таштига берилиб, ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Арслон Усмонов пахта терими қизғин тус олган шу кунларда бошқаларга намуна бўлаётир. У, уч кун ичида 11 тонна пахта териб берди. У кунига ўрта ҳисобда 3666 килограммдан пахта териб нормани анча ошириб бажараётир.

— Бундай муваффақиятга, — дейди у,—аввало, машинамни пахта териш учун пухта тайёрлаб қўйишим, уни бошқаришни тўла эгаллаб олганлигим ва машинага меҳр қўйиб ишлашим натижасида эришдим. Менинг машина бошқаришдаги билим ва тажрибаларимни дўстларим М. Ғаффоров ва Р. Мамажоновлар ҳам ўрганиб, ҳарқайсиси кунига нормадаги 1700 килограмм ўрнига 2000—2500 килограммдан пахта тераётирлар.

Мен бу йил Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигиа шарафига ўз машинамда 100 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олганман. Бу мажбуриятни албатта бажараман.

Октябрь районидаги Пахта МТСнинг илғор механик-ҳайдовчиси Арслон Усмоновнинг сўзи блан иши бир. Унинг териб бераётган тонналаб пахталари бунинг гаровидир.

В. ХОЛМАТОВ.

Кўпмингчилар сафи ортмоқда

Чиноз районидаги илғор колхозларда пахта йиғим-терими қизғин тус олди. «Қизил Октябрь», Сталин номли, Ленин номли, Каганович номли колхозларнинг а'золари пахтани тезда йиғиб-териб олиш учун барча кучларни сафарбар қилмоқдалар.

«Қизил Октябрь» колхозининг а'золари Улуғ Октябрь социалистик революциясн 37 йиллиги куни шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб яхши натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги кунлик нормаларни 1,5—2 баравар ошириб бажармоқдалар. Ўртоқ Х. Алдаев бошлиқ бригаданинг а'золари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эди. 1 октябрьгача бригада йиллик планнинг 48 процентини адо этди. Ҳозир меҳнатсевар пахтакорлар давлатга ҳар куни йиллик планнинг 1,5—2 процентн миқдорида пахта топширмоқдалар.

Шу колхознинг ўртоқ Р. Муҳамедов бошлиқ звено а'золари гектаридан 70 центнердан, Каганович номли колхознинг ўртоқ М. Бобонов бошлиқ бригада а'золари гектаридан 45 центнердан пахта топшириш учун курашиб, кунига йиллик планнинг 1,5—2 процентн миқдорида пахта етказиб бермоқдалар.

Чиноз районидагн илғор колхозларда бу йил кўпмингчилар ҳаракати ҳам оммавий тус олди. Ленин номли колхознинг кўпмингчи теримчиларидан Адол Абдуллаева, Норбиби Отоуллаева, Қумри Юсупова, Парда Хўжаева, Санда Ҳайдарова ва бошқалар 15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олиб, шу кунларда ғайрат курсатиб меҳнат қилаётирлар. Сталин номли колхоз теримчиларидан О. Фармонова, И. Қўзиева, Ш. Холиқова, Каганович номли колхозда М. Ғиёсова, М. Имонова, Х. Мирзаева, «Қизил Октябрь» колхозидагн Х. Искандарова, К. Абдуллаева, Т Умарова каби теримчилар мавсумда 14—16 тоннадан пахта териб топширишга аҳд қилганлар. Уларнинг ҳарбири ҳозир кунига 140—180 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

М. МИРКОМИЛОВ, Э. УСМОНҚУЛОВ, Н. АШУРОВ, С. МУМИНОВ, М. ОРЗИҚУЛОВ.

Илғор звеноларда

Оржоникидзе районидаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Қодир Қозоқбоев бошчилик қилаётган юқори ҳосилли звено а'золари ўз йил 11 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган эдилар.

Звено а'золари йил бўйи самарали меҳнат қилиб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Звенонинг кўпмингчи чевар теримчиларидан комсомол а'зоси Ҳолмирзаева, Тўрахонова ва Абдукаримова ўртоқлар ҳар куни 200—220 килограммдан пахта териб, кунлик нормаларини 3—4 баравар ошириб бажармоқдалар.

Ўртоқ Қодир Қозоқбоев звеноси йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариш ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги кунигача ҳар гектардан яна 10—15 центнердан қўшимча пахта топшириш юзасидан мажбурият олди.

Шунингдек, 3-нчи бригададаги Аҳмад Жўраев бошчилик қилаётган звено а'золари ҳам кунлик графикни ортиғи блан адо этиб, звеноларарс мусобақада яхши натижаларга эришмоқдалар.

А. ТОШҚОРАЕВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА АСОСИДА

Оққўрғон районидаги Сталин номли колхозда йиғим-терим ишлари уюшқоқлик блан бормоқда. Колхозда йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилди. Терим учун зарур бўлган барча моддий-техника воситалар ўз вақтида тахт қилинди. Колхозда меҳнатни тўғри уюштиришга ҳам алоҳида э'тибор берилмоқда.

Шу блан бирга колхозчилар ўртасида партия ва ҳукуматнинг бу йилги пахта теримини ўтказиш тўғрисидаги қарорлари юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Оммавий-снёсий ишлар кучайтирилиб теримчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилди. Ҳозир колхозда кўпмингкилограммчилар ҳаракати бошланиб кетди. Юзлаб колхозчилар 10—15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олдилар.

М. Нурматов, Ж. Худойқулов, З. Эшонқулова, Э. Холхўжаев ва бошқа ўнлаб илғор теримчилар кунига 150—165 килограммдан пахта териб, нормани 180—200 процентга етказиб бажармоқдалар.

У. МУСОҚОВ.



Чиноз районида теримнинг биринчи кунларидаиоқ механизаторлар ўртасида кунлик терим нормаларини ошириб бажариш, пахтани сифатли қилиб териш учун социалистик мусобақа кучайтириб юборилди. Механизаторлар мусобақасининг ташаббускорларидан бири, механик-ҳайдовчи Василий Бибаров дастлабки кунларданоқ пахта теришда кунлик нормани ортиғи блан бажариб келмоқда.

Ўртоқ Василий Бибаров илгор техникадан усталик блан фойдаланиб, эришаётган ютуқларини кундан-кунга мустаҳкамламоқда. У, 30 сентябрь куни 6118 килограмм, 1 октябрь кунида 7150 килограмм пахта териб, зўр муваффақият қозонди. Ўртоқ Бибаров 14 кун мобайнида 51 тонна пахта терди. Унинг мусобақадоши «Қизил Октябрь» колхозида ишлаётган механик-ҳайдовчи ўртоқ Бозорбой Норматов ҳам анча яхши ютуқларга эришди. У 15 кунда 41 тонна пахта териб берди. А. Палехов фотоси.

Бўка МТС лари пахтани машина блан теришга етарлик бошчилик қилмаётирлар

Бўка районидаги илғор колхозлар бу йил пахтаси машина блан теріладиган далаларда ғўза барглариии тўкиш ишларини белгиланган муддатда ўтказдилар. Қишлоқ хўжалик авиациясининг учучилари ғўзаларни дорилаш юзасидан берилган топшириқни муддатидан илгари ошиғи блан сифатли қилиб бажардилар. Шунинг учун ғўза барглари тез ва текис тўкилди. Молотов номли, Ленин номли, Юсупов номли, «Коммунизм», «Ленинизм» колхозларида ғўза доналарнинг кейин 7—9 кун ўтгач барглариннг 75—80 процентн тўкилди. Натижада пахтанинг очилиши ҳам тезлашиб 15 — 17 сентябрьдан бошлаб пахтани машина блан териш мумкин бўлиб қолди.

Ўртоқ Бадамшин бошлиқ трактор бригадасининг механик-ҳайдовчилари Ленин номли колхозда хизмат қилиб, ҳар куни 5 машина блан 9—9,5 тоннадан пахта тераётирлар. Бригаданинг илғор механик-ҳайдовчиси ўртоқ Асрақулов кунига 2 минг 800 килограммдан пахта териб, бошқаларга намуна бўлаётир.

Пахтани машина блан териш бошлаганч районда пахта тайёрлаш сур'ати анча тезлашди. Лекин ҳали барча машиналар теримга туширимлараи. Агар машиналар барвақт ремонтдан чиқарилиб ишга туширіларда эди шу кунларда, районда кунига камида 2—3 процентдан пахта тайёрлаш мумкин бўлар эди. Афсуски, райондаги 2-нчи МТС ўзидаги 75 та пахта териш машинасидан атиги 48 тасини далага чиқаргаи. Бундан ҳозир теришда 45 таси ишлатилмоқда. Бошқа машиналар ҳали ҳам ремонтдан чиқарилмаган. 60 сантиметрли қатор ораларга мосланиши керак бўлган машинадан 2 таси тайёр бўлган, холос. Шундай қилиб 2-нчи МТС колхозларнинг заявкаларини оқибатсиз қолдиришга мажбур бўлмоқда.

Райондаги «Сталинград», Вильямс номли колхозларда пахтаси машина блан теріладиган далаларни теримга тайёрлаш ишлари жуда секинлик блан бормоқда. Машинада теришга ажратилган далаларни бегона ўт, айниқса ғумай босиб кетган, суғориш эгатлари текисланмаган. Дала бошларида машиналар қайриладиган жойлар, бункерни бўшатилган майдончалар тайёрланмаган. Шунингдек, механик-ҳайдовчиларнинг овқатланиши ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Буларнинг ҳаммаси терим машиналаридан унумли фойдаланишга ёмон та'сир қилиб, иш унумини пасайтирмоқда.

МТС директорлари (Живодоров ва Журба ўртоқлар) пахта териш машиналарининг барчасини тўла ишга тушириш ва уларни унумли ишлатишга астойдил ҳаракат қилмаётирлар. Давлат агрономлари ва бригада механикларига нисбатан етарлик талабчанлик қилинмаётир. Натижада давлат агрономлари ва бригада механиклари пахтани машина блан теришнинг чинакам ташкилотчиси бўлолмаётирлар. Бу ҳол бирқатор механик-ҳайдовчиларнинг кунлик нормани бажармай қолишларига ҳам сабаб бўлмоқда.

Агар Бўка районидаги МТСларнинг раҳбарлари пахтани машина блан териш тўғрисида колхозлар томонидан қўйилаётган талабларга тўла жавоб бериб бутун куч ва моддий-техника ресурсларини сафарбар қилсалар, пахта йиғим-терими сур'ати кескин суратда ошар эди.

МТС раҳбарлари колхозлар ва илгор механик-ҳайдовчилар ташаббусини қўллаб-қувватлашлари, ҳозирги иш усулларини тезда ўзгартириб ганимат кузлардан тўла фойдаланиш тадбирларини кўришлари керак.

С. БОНДАРЕНКО,
Агроном.

Қўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка солмоқдалар...

Жданов номли колхознинг ўртоқ Комилжон Эркабоев бошлиқ 6-нчи бригадаси пахтани жадал териб, давлатга топширишда энг олдинда бормоқда. Колхоз правлениеси томонидан белгиланган графикка мувофиқ бу бригадада бир кунда 3 тонна ўрнига 3131 килограммдан пахта терилмоқда. Бу бригадада 10—15 киши шу кунларда 3 норма, 60—70 киши 2 норма пахта термоқда. Жумладан Ўғил Машрапова, Шарофат Собирова, Ўғил Ҳасанова, Инобат Тошматова, Ўғил Султонова, Наифа Ҳазинова, Инобат Пирматова сингари колхозчилар олдинда бормоқдалар.

Бу колхозда кўп пахта тераётган механик-ҳайдовчиларнинг, қўл блан пахта теришда намуна бўлаётган илғор теримчиларнинг иш тажрибаларини кенг пропаганда қилиб, пахта териш сур'атини тезлаштириш учун ҳамма имкониятлар бор. Аммо на колхоз правлениеси ва на колхоз бошланғич партия ташкилоти бу муҳим ишга етарли э'тибор бермай келаётирлар.

Айниқса машина блан пахта териш ишига ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қаралмоқда. Жданов номли колхоз 1200 гектар пахта майдонига эга. Колхоз правлениеси шундан 770 гектарини машина блан теришга ажратиб 2-нчи МТС блан шартнома тузган. Бироқ бу ерлар машиналарнинг унумли ишлаши учун ўз вақтида тайёрлаб қўйилмаган.

АНҚОВ ВАКИЛ....

Биз колхоз раиси Эшонқул Бобониёзов, 2-нчи МТСнинг шу колхоздаги давлат агрономи Мирсолиев, колхоз агрономи Бекпўлатов блан 4-нчи бригадага бордик. Ховос район партия комитети агитация-пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ Жумаев ҳам шу ерда экан. Дала шийпонига олиб борадиган йўлнинг чап томонидаги катта картанинг тенг ярми машина ишлаши учун наридан-бери бўлса, ҳам, мосланиб қўйилган. Ишлаб турган машинадан бири пайкалдан чиқиб, бунгердаги пахтани шолча солинмаган, серкесак ерга ағдарди-да яна қаторга бурилабошлади. Ўртоқ Жумаев бизга ўзининг колхозда машина блан пахта териш ишига раҳбарлик қилаётганини айтди. Биз ундан шу бригадада машина блан теріладиган ернинг чегараси қаергача эканлигини сўраган эдик, у, агрономга қаради. МТС агрономи Мирсолиев эса шу картаннинг ҳаммаси машина блан теріліши кераклигини айтди. Биз ҳаммамиз ҳали машина ораламаган ердаги ғўзаларни бориб кўрганимизда, пахтаннинг қўл блан териб қўйилганлиги ма'лум бўлди.

Бригада бошлиғи Оқилжон Омонов:

— Машинага 11 гектар ерни ажратганмиз, — деб жавоб берган эди, агроном Мирсолиев унинг сўзини бўлди.

— Йўқ, шу ер ажратилган. Ўзингизга бу ҳақда неча марта айтдим. Актга ҳам қўл қўйгансиз, — деди. Омонов важ тополмай қолди.

Колхоз раиси ўртоқ Бобониёзов ҳам, ўртоқ Жумаев ҳам бошқа бригадаларда ахвол бунақа эмаслигини та'кидладилар. Агроном Мирсолиев эса бошқа бригадаларда ҳам аҳвол шундай, балки бундан ҳам ёмон деди. Шундан сўнг биргалашиб Қўшоқ Маҳкамов бошлиқ 1-нчи, Зулқайнар Искандаров бошлиқ 3-нчи бригадаларда машина блан теришга ажратилган ерларни бориб кўришга тўғри келди. Қўшоқ Маҳкамов бошлиқ бригадада машина блан теришга ажратилган ердаги пахта майдонининг 9 гектари, Искандаров бошлиқ бригадада 10 гектар ердаги пахта қўл блан териб олинган. Бундай аҳвол бошқа бригаладларда ҳам бор.

Далани айланиб юрганимизда 1-нчи бригада бошлиғи Қўшоқ Маҳкамов қаёқдандир отлиқ келиб қолди

— Сиз машина блан пахта теришга қанча ер ажратгансиз? — деб ундан сўрадик.

— 30 гектар...

— Шартномада 39 гектар экан-ку?

— Ахир қўл блан теришга ҳам қолиши керак-да, — деди Маҳкамов.

Машина блан пахта теришнинг қўл блан теришга қараганда афзаллигини бу кишига шу вақттача ҳечким тушунтирмаган Ёки Маҳкамовнинг ўзи тушунишни истамаган.. Райком вакили ўртоқ Жумаев «машина блан пахта теришга раҳбарлик қилаяпман» деб кўз олдида юз бераётган бу ҳодисаларни пайқамай, далаларни айланиб, машиналарнинг пайкалга кирио-чиқишини тамошо қилиб юраберган. Машина блан пахта териш ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини, колхоз раиси Бобониёзов ҳам, партия ташкилотининг секретари Шоимқулов ҳам, райком вакили Жумаев ҳам бригада бошлиқларига, колхозчиларга етарли равишда тушунтиримаганлар. Натижада Жданов номли колхозда машина блан теришга ажратилган 770 гектар ердаги пахтадан 330 гектари қўл блан териб олинган.

Биз далани айланиб қайтаётганимизда, ўртоқ Жумаев машинага ажратилган ерлардаги пахталарнинг териб юборилганлигидан бехабарлигини айтди.

— Нимага бехабар бўласиз ўртоқ Жумаев? — деди агроном Мирсолиев.— Қеча кечқурун ўзингизга айтдим-ку.

— Айтганингиз йўқ, айтган бўлсангиз, кани хужжат?! — деб инкор қилди Жумаев. Буларнинг жанжали идорага борганча давом этди. Ҳарбир сўз учун алоҳида ҳужжат талаб қиладиган бундай расмиятчи вакилнинг ўзи колхозда нима иш қилар экан?

КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ КИМГА БЕРИЛДИ?

Биз кечки пайт колхознинг Мўмин Солиҳов бошлиқ 10-нчи бригадасига борганимизда 2 та машинадан бири ишлаётган, бири тўхтаб турган эди. Тўхтаб турган 12041-нчи машинанинг механик-ҳайдовчиси Ҳаким Султонов машина ёнида ўтириб, нима бландир машғул эди. Ҳосилот советининг раиси Пўлат Усмонов блан бригада бошлиғи Солиҳов тракторчининг ишини тамошо қилиб турган эдилар. Пахта териш машинасининг унумсиз ишлаётганини кўриб хуноб бўлаётган бригада механигининг ёрдамчиси Раимберди Пирматов бизга кўнглидаги гапни айтди.

— Мана шу ерда машина блан пахта терса бўладими? Ҳамма ерни итузум, ҳархил ўт босиб ётипти. Машина картанинг бошига бир бориб келганидан кейин, шиддельларини ювмаса бўлмайди. Бунинг устига бу ернинг пахтасини қўл блан териб қўйишипти. Тағин бу Қизил байроқли бригада эмиш...

Хуллас бу ерда ҳам машина блан пахта териш ниҳоятда ёмон уюштирилгани ма'лум бўлди. Бригада бўйича кунига 3 тонна ўрнига фақат 1823 килограммдан пахта терилмоқда.

Колхоз правлениеси кўчма Қизил байроқни машина блан пахта теришни яхши уюштириб, кунлик топширикни ошириб бажараётган 6-нчи бригадага бериш ўринга, ишни шундай ёмон ташкил этиб, кунлик топширикни бажармаётган мана шу 10-нчи бригадага берган. Колхоз правлениеси машина блан пахта теришни яхши уюштирган илғор кишиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашлари, ҳозирги иш усулларини тезда ўзгартириб ганимат кузлардан тўла фойдаланиш тадбирларини кўришлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан ҳалқаро конвенция (шартнома) тузиш ҳақида

БМТ Бош Ассамблеясининг 30 сентябрьдаги ялпи мажлисида СССР делегати ўртоқ А. Я. ВИШИНСКИЙНИНГ нутқи

НЬЮ-ЙОРК, 2 октябрь. (ТАСС). Ўртоқ Вишинский БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида бўлган умумий дискуссияда 30 сентябрьда нутқ сўзлаганлиги тўғрисида хабар берилган эди.

СССР делегати ўртоқ Вишинский ўз нутқининг бошида умумий дискуссияда бошқа мамлакатлар вакилларининг сўзлаган нутқларига тўхталиб ўтди.

Ўртоқ Вишинский ана шу нутқларда ҳозирги халқаро аҳволни анализ қилишдаги камчиликларни ҳамда БМТнинг ҳозирги замондаги энг муҳим воқиаларда ўйнайдиган ролига берилган баҳони танқид қилди.

Вишинский бундай деди: БМТ халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаши лозим бўлган халқаро ташкилотидир. Бу ташкилот кўп ҳолларда қайғули роль ўйнади. У, адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ, БМТ Устави талаб қилганидек ишлашдан иборат ўз бурчига риоя қилмай, бу блан ўзининг халқаро миқ'ёсдаги обрўсига путур етказди. БМТ принципларига ва унинг Уставига содиқ бўлиш — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муваффақиятли ишлаши учун энг муҳим шартдир.

Даллеснинг АҚШ халқи БМТ Уставида баён қилинган мақсад ва принципларга астойдил ишонади, деган гапларига тўхталиб, Вишинский бундай деди:

АҚШ халқи БМТнинг мақсад ва принципларига астойдил ишонаётганлигига шубҳа қилмаймиз. Аммо, Америка халқининг бундай масалаларга дахли кам. АҚШда БМТ ишларига муносабати бўлган кишилар кўпинча бу ташкилотнинг принциплари блан ҳисоблашмаи, бу принципларни бузмоқдалар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларидан тамомила четга чиқиб кетмоқдалар. Хитой Халқ Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўзининг қонуний ўрнини олишга чақириш тўғрисида ҳар йили, бирнеча сессиялар давомида такрорланиб келаётган гаплар буни кўрсатмайдими?

Бу масалада Америка Қўшма Штатларининг қонунга хилоф бўлган ва БМТнинг Устави ҳамда халқаро ҳуқуқ принципларига зид бўлган позициясини қувватлаётган ба'зи делегацияларнинг зўр бериб қаршилик кўрсатаётганлиги бу делегацияларнинг БМТ принципларига содиқ бўлиш зарурлиги блан ҳисоблашишга мойил эмасликларини исбот этади.

Биз шу нарсага чуқур ишонамизки, деди ўз сўзини давом этдириб Вишинский, ХХРнинг БМТда ўзининг қонуний ўрнини олишига халақит бермаслик тўғрисидаги ҳаққоний талаб қондирилиши керак ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати вакилларининг ишимизда қатнашуви тинчликни сақлашни, иқтисодий, социал ва маданий характердаги халқаро проблемаларни ҳал этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишни БМТдаги ўз фаолиятининг мақсади қилиб қўяётган мамлакатларнинг ғайрат-ташаббусига қўшиладиган энг жиддий ҳисса бўлади.

Бу вазифалар орасида жуда муҳим бўлган вазифалар бор. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши янги жаҳон урушн хавфини йўқотишга ва умумий тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг учун кўрилиши лозим бўлган тадбирлар орасида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар, чунончи: атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш ва бу куролларни давлатларнинг яроғ-аслаҳалари қаторидан чиқариб ташлаш, қурол-яроғларни жиддий суратда камайтириш ҳамда бу қарорларнинг амалга оширилиши юзасидан халқаро контроль ўрнатиш ва бошқа бирқанча тадбирлар шундай тадбирлар жумласидандир.

Бош Ассамблеянинг ана шундай муҳим масалалар юзасидан ўзаро келишилган қарорларни қабул қилиш халқаро вазиятдаги кескинликни янада камайтириш ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун, шубҳасиз, жуда самарали та'сир кўрсатган бўлар эди.

Совет Иттифоқи ҳал этилмаган проблемалар юзасидан тинчликни ва халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб берадиган қарорга келиш учун барча имкониятлар бор деб маҳкам ишонади. Бунинг учун давлатларнинг суверен тенглиги принципига риоя қилиш ва бошқа давлатларнинг ишларига аралашмаслик, давлатларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўзаро ҳурмат қилиш ҳамда ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариш шарт. Ҳал этилмаган халқаро масалаларни ҳал этиш перспективаси бундай шароитда тамомила реал перспектива бўлади. Биз бунга ишонамиз. Бундай перспективанинг реаллигига бўлган ишончимиз, даставвал, барча халқлар тинчликдан ва халқаро ҳамкорликдан, халқаро миқ'ёсда тинч алоқаларнинг ривожлантирилишидан манфаатдордирлар, деган ишончга асосланади.

Биз ўзимизнинг шу ишончимизда давлатларнинг ўз ижтимоий тузумларидаги тафовутларга қарамай тотув яшашлари мумкин эканлиги тўғрисидаги ленинча та'лимотга таянамиз. Бундай ишонч СССРнинг қарийб 40 йиллик практикасида, я'ни кўп мамлакатлар блан, улардаги ижтимоий тузумнинг қандай бўлишидан қат'и назар, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш практикасида ўз ифодасини топди.

Совет ҳукумати Совет Иттифоқида тинч хўжалик қурилишини зўр бериб ривожлантириш учун ўзининг ҳамма кучларини сафарбар қилиш блан бирга бошқа давлатлар блан нормал ташқи сиёсий алоқаларни та'миндашга, халқаро муносабатларни яхши йўлга қўйишга қаратилган бутун чораларни ҳам кўрмоқда.

СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. Маленков СССР Олий Советининг мажлисида бундай деди: «Биз, тинчлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик блан амалга оширмоқдамиз».

Совет давлати бутун ташқи сиёсатининг асоси ва мақсади шундайдир.

Совет Иттифоқининг ички ҳаётида совет сиёсатининг кузатган мақсади — халқ хўжалигимизнинг иқтисодий даражасини, совет кишиларининг бутун совет жамиятининг моддий ва маданий савиясини тўхтовсиз оширишдан иборат.

Тинчликни сақлаш ишида ягона лагерь бўлиши кераклигини э'тироф этишга асосланиб, Совет ҳукумати ўзларини бошқа давлатларга қарама-қарши қўядиган ва очиқдан-очиқ агрессив мақсадларни кўзда тутган ҳарбий блокларнинг принципларини рад этиб, ҳар иккала лагерь ўртасида тинч, дўстона ҳамкорлик ҳукм суради. Бундай ҳамкорлик халқаро ишончни ва бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилишни мустаҳкамлашга, умумий тинчлик ва халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлашга самарали та'сир кўрсатади. Шу муносабат блан Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси ва Бирманинг шу йил июль ойида Деҳлида ва Рангунда бўлиб ўтган музокаралар натижасида ўзаро муносабатлари учун асос қилиб олишни зарур деб топган беш принципни эслатиб ўтмай иложи йўқ. Бу принциплар қуйидагилардан иборат: 1. Территориал бутунлик ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш; 2. Ҳужум қилишмаслик; 3. Бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик; 4. Тенглик ва ўзаро манфаатдорлик; 5. Тотув яшаш.

Биз бу принципларни қизғин табриклаймиз.

Бош Ассамблеянинг шу сессияси Кореяда урушнинг тўхтатилганлиги ва Ҳинди-Хитойда тинчлик тикланганлиги муносабати блан халқаро муносабатлардаги кескинлик бирмунча камайган шароитда ўз ишини бошлади.

1954 йил халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш белгиси остида бошланганлиги шубҳасиздир. Бу соҳада тўрт ташқи ишлар министри Берлин кенгашининг, хусусан беш давлат — АҚШ, Англия, Франция, СССР ва ХХР ташқи ишлар министрларининг бошқа давлатлар вакиллари иштироки блан ўтган Жанва кенгашининг хизмати каттадир.

Берлинда бирозгина ишларни қилишга муваффақ бўлинди. Аммо, Берлинда қилинган бу ишлар ҳам халқаро миқ'ёсда катта аҳамиятга эгадир. Бунда асосий парса шуки, тўрт давлат вакилларининг учрашувларига халақит бериб келган говга Берлин кенгашида хотима берилди ва Берлин кенгаши Жанва конференциясини ўтказиш учун йўл очиб берди. Берлин кенгашининг хизмати яна шундаки, у, Германия масаласи ва Европа хавфсизлигини та'минлаш тўғрисидаги масала каби проблемаларни ҳал этиш бирбири блан маҳкам боғланганлигини ўша вақтгача бўлганидан кўра яққолроқ ва равшанроқ қилиб кўрсатди.

Вишинский айтдики, ғарб давлатларининг таклифлари Германияни тинчликсевар, демократик ва мустақил давлат сифатида бирлаштиришга ёрдам бераолмайди ва Германияни бундан буён ҳам парчаланган ҳолда қолдириши мумкин, холос.

Шу сабабдан. Совет Иттифоқи Европага ва бутун дун'ёга ана шу томондан, фашист йиртқич уяси томонидан тахдид қилаётган хавф тўғрисида зўр сабот ва қат'ият блан огоҳлантирмоқда. Ана шу фашист йиртқич янги уруш соати келадиган пайтни, пул ва қонга ташна бўлган Рейн-Рур монополиячилари бошчилигидаги прус-герман ҳарбийларининг қарнайи чалинадиган пайтни кутиб турмоқда. Бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Тарихнинг такрорланишига, болаларимиз ва набиларимизнинг янги урушнинг қонли фожиасини бошларидан кечиришларига йўл қўйиш сра мумкин эмас.

Фактлар шуни исбот этадики, деди Вишинский, Ғарбий Германия милитаристлари ўзларининг ҳарбий саноат қувватларини ва ҳарбий қувватларини қайтадан тиклаш учун ҳозир бутун кучларини сафарбар қилмоқдалар. Дастлабки пайтда Ғарбий Германиянинг 12 дивизиясини «ЕОС» қуролли кучлари қаторига қўшиш, сўнгра эса, уларни 60 дивизиягача кўпайтириш ва 2—3 йилдан кейин Ғарбий Германия армиясининг умумий сонини 800. 000 аскаргача етказиш (Боннинг ҳақиқий ҳарбий министри Бланк шу тўғрида очиқ гапирди)— келгусидаги «Дейчланд юбер аллес» қуролли кучларини ташкил этиш йўлидир. Бу армия ўз қўшинларига, Европанинг қолган ҳамма қисмига ўт ва қилич блан ҳужум қилиб, ўзини яна бир марта кўрсатишга, шубҳасиз уриниб кўражак.

Вишинский сўзини давом этдириб, қуйидагиларни айтди: Европа хавфсизлиги проблемасини Германия масаласидан сра ҳам ажратиш мумкин эмас. Биринчи масаладаги кабя иккинчи масалада ҳам бир-биридан принципиал фарқ қиладиган икки хил сиёсий йўл бор. Бу йўлларнинг бири бирлашган, тинчликсевар, демократик Германияни вужудга келтириш ва ана шу программани амалга ошириш мақсадида муваққат умумгерман ҳукуматини тузишдан иборат. Шу блан бирга, Германия умумгерман та'сис мажлисини чақириш учун чинакам эркин ва демократик умумгерман сайлови асосида бирлаштирилиши лозим. Иккинчи йўл ғарбий давлатнинг планида ўз ифодасини топди. Бу планнинг ўзига хос характерли хусусияти шундан иборатки, келажакда тузиладиган умумгерман ҳукуматини, планда айтилишича 50 йил мобайнида Бонн ҳукуматининг «халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари»ни бажаришга мажбур этиш учун уринмоқдалар. Бундай аҳвол Германиянн ана шу 50 йил мобайнида том ма'носи блан «эркин ва суверен» ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум этади, албатта. Иккинчи томондан, бу план милитаристлик ва қасосчилик интилишларининг бундан кейин авж олишини тўхтатишга ёки бунга халақит беришга қодир бўлган тадбирларни кўзда тутмайди. Яна шуни эслатиб ўтиш керакки, Европада умумевропа шартнома қатнашчиларидан бирига ёки бирнечасига қуроллн ҳужум қилган тақдирда уларни мазкур шартномада қатнашган давлатларнинг коллектив суратда ҳимоя қилишлари принципи Совет Иттифоқи таклиф этган умумевропа шартномасига асос қилиб олинди. Шартномада қатнашучи давлатлар бирор коалиция ёки иттифоқда қатнашмаслик ва Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш мақсадларига қарши бўлган мақсадларни ўз олдига қўйган ҳеҷқандай битимларни тузмаслик мажбуриятини олдилар. Ана шундай Европа системаси Европада хавфсизлик ўрнатиш учун шу тарзда реал шароитларни вужудга келтирган

(ДАВОМИ 4-НЧИ БЕТДА)

Уртоқ А. Я. ВИШИНСКИЙ нутқининг охири

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

бўлур эди. Бундай система ана шу жуда муҳим ишда олға қараб қўйилган жиддий қадам бўлар ва бирлашган, тинчликсевар, мустақил ва демократик Германияни вужудга келтириш асосида Германия проблемасини ҳал этиш учун ҳам янада қулайроқ шароит яратган бўлар эди. Турмушнинг ўзи шу нарсани кўрсатиб турибдики, Европада хавфсизлик масаласи ҳал этилган тақдирдагина Германия масаласини ҳал этиш мумкин. Германия масаласининг ҳал этилиши Австрия масаласини ҳал этишни енгиллаштиражагини ҳам уқтириб ўтиш керак.

Вишинский Корея масаласининг ҳал этилиши муҳим эканлигини та'кидлаб бундай деди:

Бош Ассамблея бу масаланинг ҳал этилишини та'минлаш йўлида бутун чорани кўриши керак. Жанва кенгашида СССР, ХХР ва КХДР делегациялари бу масалани тинч йўл блан ҳал этиш тўғрисида конструктив таклифларни тақдим этдилар. Жанва кенгашида Корея масаласини муҳокама қилиш вақтида Совет ва Британия делегацияларининг фикрлари бир-бирига яқин келиб қолди. Бу делегациялар Корея масаласи юзасидан бир қарорга келишнинг асосий принципларини белгилаш муҳим деб ҳисобладилар. Бу эса, Кореяда миллий бирликни тиклашга тайёргарлик кўриш соҳасида олға қараб қўйилган қадам бўлар эди. Аммо, бошқа ба'зи делегацияларнинг вакиллари ана шу позицияни қувватламадилар.

Европада «ЕОС»нинг барбод бўлганлиги, шунингдек реакцион доираларнинг Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатишга йўл қўймаслик планларининг барбод бўлганлиги, деди Вишинский, ана шу доираларни янги жаҳон уруши тайёргарлигига қулайлик туғдирадиган халқаро кескинликни юмшатишга бундан буён ҳам халақит бериш йўлидаги уринишлардан тўхтатмади. Маниладаги кенгаш, шубҳасиз, худди шундай уриниш бўлди. Манилада АҚШ бошчилигидаги бирнеча давлат Шимолий Атлантик блоки кузатган мақсадларни ўз олдига қўйган янги блокни уюштириш тўғрисида бир қарорга келди.

Ўртоқ Вишинский атом қуролини тўплаш вазифаси АҚШ сиёсатида муҳим ўрин олганлигини та'кидлади.

Ҳужум қуролининг типик хили бўлган атом ва водород қуролидан кенг фойдаланиш ҳақида берилган установкага мувофиқ АҚШда атом қуролидан, атом зарядкаси бўлган артиллерия ракеталаридан ва шу сингарилардан қўшинларда максимал даражада қўлланиш чоралари кўрилмоқда ва ҳоказо.

Вишинский яна бундай деди: Ғарб мамлакатларида ва айниқса АҚШда ўтган йил зўр бериб қуролланиш йили бўлди. АҚШда атом ва водород қуроли айниқса кўп тўпланди. Бу ҳол атом энергияси комиссиясининг харажатларини ана шу йилларнинг ҳаммаси мобайнида шу мақсад учун қилинган харажатларнинг энг кўп суммасигача оширишда ҳам ўз ифодасини топди. Даллес жанобларининг сўзлари блан айтганда, шундай қилиб, атом энергиясини бойиш манбаига айлантириш ўрнига ўлим қуролига айлантириш соҳасида зўр бериб иш олиб борилди.

8 декабрьдаги таклиф муносабати блан ўтган йилдаёқ Совет ҳукумати атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш учун амалий имконият борлиги каби фактнинг катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлади ва бу масала юзасидан музокара олиб боришга рози эканлигини билдирди. Совет ҳукумати 1954 йил 30 январь-2 февральда АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларига атом, водород қуролидан ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларидан сўзсиз воз кечиш тўғрисидаги декларация проектини тошширди. Ана шу декларациянинг кириш қисмида инсониятни атом, водород қуроли ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларидан ишлатиладиган қирғинчилик уруши хавфидан қутқазишга қат'ий қарор берилганлиги кўрсатилди. Шу блан бирга, атом энергияси соҳасидаги илмий кашфиётлардан халқларнинг бахтсаодати учун, халқларнинг турмуш шароитини енгиллаштириш учун тинчлик мақсадларидагина фойдаланишга ҳартомонлама ёрдам беришга ҳаракат қилинаётганлиги уқтириб ўтилди. Совет ҳукумати бу масалада атом материалларининг бирор қисми эмас, балки ҳаммаси тамомила тинчлик мақсадларига қаратилиши керак, фаннинг бу соҳадаги муваффақиятлари уруш ва одамларни ёппасига қириш мақсадлари учун эмас, балки хўжалик ҳаёти ва маданиятни ривожлантириш мақсадларига хизмат қилиши лозим, деган фикрга асосланди. Совет ҳукумати ана шу тадбир саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспортни юксалтириш учун, медицинада қўлланиш учун, техникани такомиллаштириш ва фанни янада юксалтириш учун бениҳоя катта имкониятлар очиб берган бўлар эди, деган фикрга асосланади. Совет ҳукумати бу масалада шунга асосланадики, АҚШнинг 8 декабрьдаги таклифи атом уруши хавфини йўқотишга ёрдам бермайди. Атом уруши хавфи кўпгина мамлакатларда тобора қаттиқ ташвишланишга сабаб бўлмоқда, хусусан атом ва водород қуролининг янги, янада ҳалокатли турлари пайдо бўлиши блан ана шу ташвишланиш авж олмоқда.

Шу масала юзасидан СССР ва АҚШ ўртасидаги ёзишмалар э'лон қилинди. Бу ёзишмалар атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишга қаратилган тадбирлар масаласида Совет Иттифоқининг позицияси блан атрофлича танишиб чиқиш учун тўла имконият беради.

Ўтган йил шуни кўрсатадики, атом пуласи тўғрисида таклиф киритилганидан кейин ўтган давр мобайнида АҚШ зўр бериб қуролланишни, ядер қуролларни ва бошқа ҳарбий-агрессив тадбирларни камайтириш ўйёқда турсин, балки уларни, айниқса ядер қуролига доир тадбирларни кучайтириб юборди.

Шу йил ичидаги жуда кўп фактлар шуни кўрсатадики, АҚШ ўзи амалга ошираётган ташқи сиёсатда аввалдагидек ҳозирда ҳам зўравонлик қилиш сиёсатига умид боғламоқдалар. Шу муносабат блан атом қуроли давлатнинг турли ҳарбий тадбирларини планлаштируви ана шу сиёсатининг марказига қўйилмоқда. Атом қуроли америка ташқи сиёсатини амалга оширишнинг негизи деб расмий суратда э'лон қилинмоқда. Бундай сиёсат мамлакатла уруш васвасасини вужудга келтиради, бошқа халқларга нафрат ва душманлик блан қарашни авж олдиради, яни жаҳон уруши пропагандасини рағбатлантирадики, бу эса зўр бериб қуролланишга, бошқаларнинг территорияларида янгидан-янги базаларни вужудга келтиришга, гўё коммунистик мамлакатлар томонидан бўлган қандайдир хаёлий таҳдиддан мудофаа қилиш ҳақидаги сохта гаплар блан ниқобланадиган янги ҳарбий блокларни тузишга муқаррар олиб боради.

Зўравонлик қилиш сиёсати америка монополияларига кризис ҳолатининг кучайишига халақит бериш умидида ҳарбий кон'юнктурани мумкин қадар юқори даражада сақлаш учун ҳамда ҳарбий материал етказиб бериш йўли блан янада бойиш учун муҳим бир восита бўлиб хизмат қилади. Америка Қўшма Штатлари ҳозир кризис ҳолатини бошидан кечирмоқда.

Вишинский ўз нутқининг охирида бундай деди: Совет Иттифоқи тинчлик позициясини изчиллик ва қат'ият блан ҳимоя қилмоқда. янги жаҳон уруши хавфини йўқотаоладиган, демак, миллионмиллион кишиларнинг ҳалок бўлишига ва сон-саноқсиз кулфатларнинг вужудга келишига йўл қўймайдиган жиддий ва қат'ий тадбирларнинг амалга оширилишини талаб қилмоқда.

Совет Иттифоқи ҳарбир сессияда ана шу муҳим вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун бутун кучини сарф қилиб келмоқда ва ҳозирги сессияда ҳам шу мақсадни кўзда тутиб иш олиб бормоқда. Совет Иттифоқи Бош Ассамблея тинчлик ва хавфсизликни талаб этаётган халқларнинг хоҳишини бажариб, бу вазифани ҳал этиши керак ва ҳал этаолади деб маҳкам ишонади.

Совет Иттифоқи делегацияси юқорида баён этилганларга мувофиқ, қуйидаги резолюция проектини Бош Ассамблея IX сессиясининг муҳокамасига қўяди.

«Қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан халқаро конвенция (шартнома) тузиш ҳақида»

(Резолюция газетамизнинг олдинги сонида босилган)

Совет Иттифоқи делегацияси, деди Вишинский, бу таклифларни тақдим этиш блан мазкур таклифларга зўр э'тибор блан қаралишига, бу таклифлар атом қуролидан фойдаланиш хавфига қарши курашда, зўр бериб қуролланишга қарши курашда, янги уруш хавфига қарши, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашда БМТнинг ўз бурчини бажаришига ёрдам бераоладиган йўл эканлигига чуқур ишонади.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон VIII спартакиадаси

Суратда: 1. Спартакиада байроғи кўтарилди. 2. Спартакиадада баландликка сакраш мусобақасида биринчиликни олган спортчи **В. Баллод.**

В. Салов фотолари.

3 октябрьда Тошкентда байрам тусида безатилган «Спартак» стадионида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон VIII традицион спартакиадаси очилди. Спартакиадада бир мингдан кўпроқ физкультурачилар қатнашмоқда. Улар орасида СССР спорт мастерлари, биринчи разрядчилар, республика рекордчилари, 1952 йилда Ашхабодда бўлиб ўтган VII спартакиада чемпионлари бор.

Соат 16. Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон ССР спортчиларининг колоннаси стадион майдонига чиқадилар.

Спартакиада ташкилот комитетининг раиси—Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Муҳитдинов кириш нутқи сўзлаб, байрамни очади. У айтадики, партия ва ҳукумат мамлакатимизда физкультура ва спортни ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Совет спортчилари Коммунистик партия кўрсатмаларини бажариб кейинги йилларда ўз сафларини икки баравар кўпайтирдилар. Қишлоқда физкультурани ривожлантириш йўлида кўп ишлар қилинди. Бизнинг спортчиларимиз ўз ишлари блан фахрланса бўлади. Улар конькида тез югириш бўйича, шахмат, волейбол, чанғи, классик кураш, гимнастика, оғир атлетика бўйича жаҳон биринчилигини эгалладилар.

«Смирно» командаси берилади. Оркестр СССР Давлат Гимнини ижро этади. VII спартакиадада ғолиб чиққан Ўзбекистон ССР нинг бир группа физкультурачилари мусобака байроғини кўтарадилар. Спортчиларнинг колоннаси кўпсонли тамошабинлар олдидан тантанали марш блан ўтадилар.

Парад тамом бўлди. Республика пойтахтининг 700 дан кўпроқ мактаб ўқучилари стадион майдонига чиқадилар. Оммавий гимнастика машқлари бошланади. Сўнгра ёш спортчилар «Слава КПСС» («КПССга шон-шарафлар бўлсин») деган сўзларни ифода этадилар.

Спартакиадани очиш тантанали маросимидан кейин спорт мусобақалари бошланди.

Спартакиаданинг биринчи кунида қардош республикаларнинг спортчилари спортнинг 8 тури бўйича мусобақалашдилар.

Енгил атлетикачилар яхши натижаларга эришдилар. Қозоғистон спортчилари ўз республикаларининг икки янги рекордини қўйдилар. Ф. Ладзин дискани 45 метр 18 сантиметр масофага ирғитди, В. Ильинский эса 7 метр 3 сантиметр узунликка сакради. 100 метр масофага югиришда Ўзбекистон ССР спортчилари Л. Склярова ва В. Тушков ғолиб чиқдилар. Улар бу масофани: 12,4 ва 19,9 секундда югириб ўтдилар. В. Баллод (Ўзбекистон) 150 сантиметр баландликдаги планкадан сакраб ўтди ва енгил атлетиканинг бу хили бўйича ғолиб чиқди. Мусобақанинг биринчи кунида Ўзбекистон ССР енгил атлетикачилари 9005 очкога эга бўлдилар. Қозоғистон спортчилари 8257 очко олдилар.

Ўзбекистон волейболчилари ва баскетболчилари дастлабки ғалабага эришдилар. Хотин-қизлар ва эркаклар командалари Қозоғистон командаларини ютдилар. Ўзбекистон хотин-қиз баскетболчилари 66:48 ҳисоби блан Қозоғистон хотин-қиз спортчиларини, Ўзбекистон баскетболчиларининг эркаклар командаси эса 80:53 ҳисоби блан Тожикистон командасини ютдилар. Тожикистоннинг волейбол командалари икки ғалабага эришдилар. Хотин-қизлар 3:1 ҳисоби блан Туркманистон командасини, эркаклар эса 3:2 ҳисоби блан Қирғизистон командасини ютдилар.

Классик кураш ва бокс бўйича ўтказилган мусобақаларга кўп киши тўпланди. Қирғизистон ва Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон курашчиларининг учрашувлари Қозоғистон ва Туркманистон командалари фойдасига 6:2 ҳисоби блан бир хил бўлиб тугади.

Ўзбекистон ССР боксчилари 9:1 ҳисоби блан Тожикистон спортчиларини енгдилар, Қозоғистон командаси эса 8:2 ҳисоби блан Қирғизистон боксчиларини ютди.

Футболчиларнинг дастлабки учрашувлари бўлди. Қозоғистонлилар 4 очкодан 3 тасига эга бўлдилар. Улар Тожикистон футболчилари блан учрашувда 3:0 ҳисоби блан ютиб чиқдилар ва Туркманистон командаси блан ўйинни дуранг (0:0) қилдилар. Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР командалари ҳамда Қирғизистон ССР ва Туркманистон ССР командалари ўртасидаги ўйинлар 1:1 ҳисоби блан бирхил натижа блан тамом бўлди.

Ўзбекистон теннисчилари 5:0 ҳисоби блан Тожикистон командасини енгиб чиқдилар Қозоғистон спортчилари эса худди шундай ҳисоб блан Қирғизистон теннисчиларини ютиб чиқдилар.

Мусобақалар давом этмоқда. (ЎзТАГ).

Ҳиндистон университетлари студентларининг ва ўқитучиларининг делегацияси Тошкентга келди

Ҳиндистондаги турли университетларнинг студентлари ва ўқитучилари делегацияси Москва давлат университетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига келган эди. Делегация ҳозир Тошкентга келди. Делегацияга Мирут институтининг директори профессор Мадан Мохан бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар 4 октябрьда, Ўзбекистон пайтахтига келган биринчи куни шаҳарнинг диққатга сазовор бўлган жойлари блан таништилар, Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетида бўлдилар. Делегация а'золари Ўрта Осиё давлат университетида бўлган вақтларида турли фанларни ўқитиш қандай қўйилганлиги блан, совет студентларининг ҳаёти блан қизиқдилар. (ЎзТАГ).

СУД ЗАЛИДАН

ЖИНОЯТЧИ ЖАЗОЛАНДИ

А'зам Азизов СССР Олий Совети Президиумининг амнистия тўғрисидаги 1953 йил 27 март фармонига асосан қамоқдан озод қилингандан кейин Оҳангарон районининг Телау қишлоқ советидаги Андреев номли колхозда ишлаб юрган. 1953 йил сентябрь ойида у шу қишлоқ советидаги кутубхонада ишлаётган даврида Маҳбуба Маражоновага ЗАГСдан ўтмай уйланади. Азизов хотинидан ажралиш пайига тушиб, турли баҳоналар қидирабошлайди.

1954 йил 3 апрель куни Маҳбубани қаттиқ калталайди, 5 апрель куни эса унга вахшийларча беш марта пичоқ уради. Медицина ходимларининг ёрдами блан Маҳбуба тузалади.

Оҳангарон район 1-нчи участка халқ суди А'зам Азизовнинг жиноий ишини кўриб чиқди ва Маҳбуба Маражоновага суйи қасд қилганлиги учун 8 йил аҳлоқ тузатиш меҳнат лагерига юборишга ҳамда 4 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Область суди Совет гражданига нисбатан вахшийларча муносабатда бўлган Азизовнинг жиноий ишини кўриб чиқди ва Оҳангарон район халқ судининг Азизов устидан чиқарган қарорини ўз кучида қолдирди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Финляндия Коммунистик партиясининг X с'езди

ХЕЛЬСИНКИ, 3 октябрь. (ТАСС). Илгари хабар берилганидек, кеча Хельсинкида «Капитоль» кинотеатри биносида Финляндия Коммунистик партиясининг X с'езди ўз ишини бошлади. С'ездда ҳозир бўлганлар ўртасида партиянинг округ ташкилотлари томонидан сайланган 314 делегат, финляндияли меҳмонлар ва 14 мамлакатдаги қардош партияларнинг вакиллари бор.

С'ездни Финляндия Коммунистик партиясининг раиси Аймо Аалтонен очди. У, Ленин ишининг улуғ давомчиси И. В. Сталиннинг ва Финляндия Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири Сандра Лехтиненнинг хотирасини ҳурмат блан эсга олишни таклиф этди. Делегатлар ва меҳмонлар бир минут жим туриб уларнинг хотирасини эсга олдилар.

Аалтонен ўз нутқида партиянинг X с'езди Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасида яраш битими тузилган кундан буён ўн йил ўтган бир даврда чақирилганлигини та'кидлаб ўтди.

Ўн йиллик тинч ривожланиш даври халқимизга улуғ Совет Иттифоқи блан ва ҳамма тинчликсевар халқлар блан дўстона муносабатларда бўлиш Финляндия учун нақадар фойдали эканлигини ишонтирарли қилиб исботлаб берди, деди Аалтонен.

Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланганлиги, деди ўз сўзини давом этдириб Аалтонен мамлакатимизнинг Совет Иттифоқи блан тузилган битимларнинг тенгҳуқуқли иштирокчиси бўлишини та'минлаш блан бирга, бошқа давлатлар ўртасида мамлакатимизнинг аҳволини ҳам мустаҳкамлади. Бу — иккала мамлакат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида тузилган шартномада ва унинг асосида ўрнатилган ўзаро муносабатларда ўз ифодасини топди. Дўстлик тўғрисидаги шартнома мамлакатимизга уруш оловини ёқучилар томонидан қилинаётган таз'йиқни қайтариш имкониятини беради. Броқ бу имкониятнинг рўёбга чиқишида халқ оммасининг иродаси ва фаолияти ҳал қилучи ўрин тутади.

Аалтоненнинг айтиб ўтишича, Коммунистик партия қониқиш блан та'кидлаб ўтадики, партиянинг ташқи сиёсат соҳасидаги йўлини борган сари кенгроқ халқ оммаси қўллаб-қувватламоқда, бошқа партиялар буни э'тиборга олмасликларк мумкин эмас.

Сўнгра Аалтонен мамлакатдаги ички аҳволни анализ қилиб, Финляндия меҳнаткашлари ўртасида Коммунистик партиянинг та'сири ўсганлигини кўрсатди.

Аалтонен ўқтириб ўтдики, халқ-демократик ҳаракат ва Коммунистик партия муайян муваффақиятларга эришдилар. Коммунал сайловларда ва сейн сайловларида халқ-демократлари борган сари кўпроқ қўллаб-қувватланаётганлиги буни исботлайди. Аалтонен партия а'золарининг ғоявий савияси юксалганлигини, уларнинг бошқа демократик ташкилотлар блан бир-бирига ишониш асосидаги яхши ўзаро муносабатларини та'кидлаб ўтди. У партиянинг ички жиҳатдан соғлом ва яқдил эканлигини айтди.

Бу муваффақиятларга шунинг натижасида эришилдики, деди Аалтонен, партиянинг сиёсати тўғри бўлди, унинг а'золари партиянинг йўлини ва вазифаларини яхши тушуниб олдилар, бу йўлни ва вазифаларни амалга ошириш учун ғайрат ва усталик блан курашдилар.

Сўнгра Аалтонен, Финляндия Коммунистик партияси ўз тажрибасини ва қардош партияларнинг тажрибасини, даставвал, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бой тажрибасини ва муваффақиятларини ўрганиб, марксизм-ленинизм та'лимотига таяниб, ўз ишини яхшиламоқда, бу эса партияга янги ғалабаларни шубҳасиз қўлга киритиш имкониятини беради, деди.

С'езд президиум сайлади. Президиумга Вилле Песси, Аймо Аалтонен, Херта Куусинен, Инкери Лехтинен, Мартти Мальмберг, Ирье Муто, Айли Мякинен, Маури Рюэмя, Коски Куло, Эйно Кильпи, шунингдек қардош партияларнинг с'ездга ҳозир бўлган вакиллари сайландилар.

Сўнгра с'ездга Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг табрикномаси ўқиб эшитдирилди. Табрикномада бундай дейилади:

Финляндия Коммунистик партиясининг X с'ездига

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Финляндия Коммунистик партиясининг X с'ездига қардошлик саломини йўллайди.

Фин ишчилар синфининг олдинги отряди бўлган Финляндия Коммунистик партияси империалистик реакцияга қарши, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун, Финляндиянинг мустақил демократик ва тинч йўлдан ривожланиши учун, Европада ва бутун дун'ёда тинчлик манфаатларини кўзлаб Финляндия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида тинчлик, ва дўстлик учун изчиллик блан курашиб келмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Финляндия Коммунистик партиясига партия а'золарини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш ишида, тинчликни ва мамлакатнинг миллий мустақиллигини ҳимоя қилиш ишида, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун ва ишчилар синфининг бирлигини мустаҳкамлаш учун курашда янги муваффақиятлар тилайди.

Яшасин Финляндия Коммунистик партияси!

Яшасин Финляндия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Делегатлар ва меҳмонлар КПСС МКнинг табрикномасини гулдурос қарсаклар ва «ура!» овозлари блан кутиб олдилар.

С'ездда Хитой Коммунистик партиясининг Марказий Комитетидан олинган табрикнома ҳам гулдурос қарсаклар остида ўқиб эшитдирилди.

Сўнгра Финляндия халқ демократик союзининг раиси Коски Куло табрик нутқи сўзлади.

Венгрия меҳнаткашлар партиясидан Д. Нон, Болгария Коммунистик партиясидан Г. Грозев, Польша Бирлашган ишчи партиясидан В. Матвин, Чехословакия Коммунистик партиясидан М. Троянова, Германия Бирлашган социалистик партиясидан В. Кенен, Франция Коммунистик партиясидан Ж. Фришманн, Швеция Коммунистик партиясидан Х. Хагберг табрикномаларни ўқиб эшитдирдилар.

С'езднинг кеча кечқурунги мажлисида Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иши тўғрисида ФКП бош секретари Вилле Песси ҳисобот доклади қилди. Доклад юзасидан музокаралар бошланди.

С'езд мандат комиссиясининг докладини ҳам тинглади.

С'езднинг иши давом этмоқда.

Пекинда СССРнинг иқтисодий ва маданий соҳадаги муваффақиятларини кўрсатучи виставка очилди

ПЕКИН, 2 октябрь. (ТАСС). Ҳали яқиндагина—бундан бир йил илгари Сичжиминь дарвозалари орқасида кўзингизга кўримсиз даштдиёбон манзараси ташланиб турарди. Бинокорларнинг фидокорона меҳнати туфайли тўлар-тўлмас бир йил ичида бу районнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. «Яшасин Хитой ва СССР халқларининг буюк ва бузилмас дўстлиги» деган сўзлар ёзилган қадимги Сичжиминь дарвозалари ёнидан СССР нинг иқтисодий ва маданий соҳадаги муваффақиятларини кўрсатадиган, тепасига беш қиррали ёқут юлдузли зарҳал найза ўрнатилган ҳашаматли монументаль виставка биноси кўриниб турипти.

Совет архитекторлари ва инженерлари Хитой бинокорлари блан ҳамкорлик қилиб, композициясининг яхлитлиги ва кенглиги, бир-бирига муносабатлиги, шаклларининг енгиллиги ва чиройлилиги блан кўзга ташланиб турган архитектура ансамблини яратганлар.

Виставкага кираберишдаги марказий дарвоза олдида кенг майдон жойлашган. Бу майдонни бош дарвоза блан ён дарвозаларни боғлайдиган аркада ярим ҳалқа шаклида ўраб олган. Аркада тепасига 16 иттифоқчи республиканинг герблари ўрнатилган. Бош дарвозанинг тепасига СССР Давлат герби қўйилган. Майдонни ўраб олган флагштокларда СССР Давлат байроқлари, иттифоқчи республикаларнинг байроқлари ва ХХР байроқлари ҳилпиллаб туради.

Бугун виставкани очиш маросими бўлди. Виставканинг очилишига бағишланган тантанали маросимга беш мингга яқин киши тўпланди. Ҳозир бўлганлар орасида халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитетининг раиси Лю Шао-ци, Давлат кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай, халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосарлари Сун Цин-лин, Линь Бо-цзюй, Ли Цзи шэнь, Чжан Лань, Ло Жунхуань, Шэнь Цзюнь-жу, Го Мо-жо, Пин Чжэнь, Ли Вэй-хань, Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосарлари Чэнь Юнь, Пин Дэ-хуай, Олий суд раиси Дун Би-у ва бошқалар бор эди.

Виставкани очиш маросимига Совет ҳукумат делегациясининг раҳбари Н. С. Хрушчев, делегация а'золари Н. А. Булганин, А. И. Микоян, Н. М. Шверник, Польша Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Болеслав Берут, Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Ким Ир сен, Руминия Халқ Республикаси Ҳукумат делегациясининг бошлиғи Георге Апостол, Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Самбу, Чехословакия Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Вацлав Копецкий, Венгрия Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Андраш Хегедюш, Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Лотар Больц, Болгария Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Райко Дамянов, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Хоанг Минь Зиам, Албания Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи Бехар Штюлла, шунингдек ҳукумат делегацияларининг а'золари ҳам келдилар.

Виставканинг очилиши муносабати блан бўлган митингда халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг депутатлари, ҳукумат муассасаларининг мас'ул ходимлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари, жуда кўп четэл меҳмонлари, шунингдек совет элчихонасининг ходимлари, Пекиндаги четэл элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари ҳамда а'золари, хитой ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Митингни халқаро савдони ривожлантиришга ёрдам беручи хитой комитетининг секретари Цзи Чао-дин очди. СССР нинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин нутқ сўзлади.

— Бугун Хитой Халқ Республикасининг пойтахти Пекинда,— деди П. Ф. Юдин,— биз Совет Иттифоқининг иқтисодий ва маданий муваффақиятларини кўрсатучи виставкани очмоқдамиз. Виставканинг очилиши Хитой халқининг улуғ байрами — Хитой Халқ Республикаси ташкил қилинганига беш йил тўлганига тўғри келди.

Биз ишонамизки, бугун очилаётган виставка хитой халқига совет халқининг ҳаётини ва меҳнат соҳасидаги зафарларини, унинг иқтисодий ва маданий соҳадаги муваффақиятларини янада кўпроқ билиб олишга ёрдам беради. Биз яна шу нарсага ҳам ишонамизки, совет фани ва техникасининг муваффақиятларини, Совет Иттифоқининг саноатини ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ютуқларини кўрсатучи бу виставка хитой халқига ёрдам беради, совет халқи ўзининг иқтисодий ва маданий ривожланишида эришган энг яхши натижаларни ўрганиши ва қабул қилишига ёрдам беради.

Сўнгра Хитой Халқ Республикасининг ташқи савдо министри Е Цзи-чжуан сўзлади. Ушбу виставка, деди у, халқимизни Совет Иттифоқининг қурилиш ишларидаги тажрибаси, илғор совет фани ва техникасининг тажрибаси блан, Совет Иттифоқининг ажойиб маданияти ва сан'атининг тажрибаси блан бойитади. Хитой халқи олдимизда турган тарихий вазифаларни бажармоқ учун совет халқидан саботли курашга ва фидокорона меҳнатга ўрганади.

Сўнгра сўзга чиққан Бутуниттифоқ савдо палатасининг раиси Нестеров СССРнинг иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятларини кўрсатучи виставка совет ва хитой халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди. Ўртоқ Нестеров виставкани очиқ деб э'лон қилди. Оркестр СССР ва ХХР давлат гимнларини ижро этади.

Давлат кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай қизил ипак лентани қиркади.

Митинг қатнашчилари залларга кириб келадилар.

Улар виставка экспонатларини зўр қизиқиш блан тамоша қиладилар.

Виставкага 11.500 дан кўпроқ экспонат қўйилган. Бу экспонатлар залларга ҳам, очиқ майдончаларга ҳам жойлаштирилган.

Виставка 135 минг квадрат метрлик территорияда жойлаштирилган. Виставка залларидан ташқари бу ерда 3200 ўринлик ёзги театр, деярлик минг ўринлик кинозал, ёнида ёзги кафе ва ма'мурий шаҳарча бўлган «Москва» ресторани қурилган.

РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ КУНИ

БУХАРЕСТ, 2 октябрь. (ТАСС). Бугун румин халқи Руминия халқ республикаси қуролли кучларининг кунини нишонламоқда.

Газеталар Руминия армияси ўз халқининг тинч меҳнатини мустаҳкам туриб ҳимоя қилмоқда, деб ёзмоқдалар. Румин жангчилари Совет Армиясининг тажрибасидан ўрганиб, ўзларининг жанговарлик маҳоратларини тинмай оширмоқдалар.

Румин газеталари қуролли кучлар Кунига бағишлаб бошмақолалар босиб чиқардилар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—5/Х да **Гамлет**, 6/Х да **Бир севги афсонаси**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 5, 6, 9/Х да кечқурун, 10/Х да кундуз ва кечқурун, 11 ва 12/Х да кечқурун **Грузин давлат ашула ва рақс ансамблининг гастрольлари.** Бадиий раҳбар — Грузия ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, композитор **В. Цагарейшвили**, дирижёрлар — Грузия ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоблари **С. Гвелесиани, В. Мчедлишвили**, балетмейстер — **А. Татарадзе**. Кечки концертлар соат 8 яримда, кундузги концерт — соат 4 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 6/Х да **катта цирк тамошалари**. Аттракцион — **«Ўргатилган ҳинд филлари»**. Ўргатучи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Корнилов**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — яқин ҳинд бадиий фильми **Дайди** (1-нчи серия).

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз соат 1—45 минутда **Партизан болалари**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН нолми, КИРОВ номли — **Дайди** (1-нчи серия).

«9-НЧИ МАЙ» — **Сиз блан қайдадир учрашган эдик.**

«ИСКРА» — **Содиқ дўстлар.**

ПУШКИН номли — **Африка** (иккала серия).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими—136, Пропаганда бўлими—157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат—34048, Э'лонлар бўлими—38142

Р 07555. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр, № 1479.